БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 20 (19.096). • 1985 йил 24 январь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Тинчлик тарафдорларининг Бутуниттифоқ конференцияси қатнашчиларини самимий табриклайман!

Кенг халқ оммасининг тинчликни ҳимоя қилиш ишида тобора кўпроқ қатнашаётганлиги замонамизнинг нишонаси бўлиб қолди. Урушга қарши кейинги йилларда кенг қулоч ёзган ва халқаро миқёс касб этган оммавий ҳаракат кўпгина мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий турмушида мўътабар ўрин олди ва тинчликни сақлаб қолишга муҳим ҳисса қўшди. Бу эса одамларга ишонч бахш этмоқда, уруш хавфига қарши янада активроқ, собитқадам ва жипслашиб ҳаракат қилишга чорламоқда.

Миллионлаб совет тинчлик тарафдорлари ер курраси-дагги барча тинчликсевар кучлар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқдалар. Улар ўз фаолияти билан ватанпарвар ва интернационалистлар бўлмиш совет кишиларининг мустаҳкам маънавий-сиёсий бирлигини, юксак гражданлик онглилигини, ҳаётдаги актив позициясини намойиш этмоқдалар.

Ҳозирги пайтда совет тинчлик ҳаракатининг роли тобора аҳамиятли ва масъулиятли бўлиб қолмоқда. Бутун ер юзининг одамларига Советлар мамлакатининг ленинча ташқи сиёсати тўғрисидаги ҳақиқатни активроқ етказиш, тинчлик, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш душманларининг кирдикорларини фош этиш, ядро уруши хавфига қарши курашаётган барча кучлар билан алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантириш зарур.

Ҳар бир совет кишисининг бунёдкорлик меҳнати тинчлик ишига шахсан қўшилган энг самарали ҳиссадир. Халқ хўжалигимиздаги ишлар нақадар яхшироқ бўлса, СССРнинг халқаро позициялари шу қадар мустаҳкам бўлади, совет кишиларининг тинч меҳнати ва халқларнинг хавфсизлигини пишиқ-пухта таъминлаш имкониятлари шу қадар кўпаяди.

Сизларнинг конференциянгиз бутун тараққийпарвар инсоният учун шонли йилда — фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг ва иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 40 йиллиги нишонланадиган йилда ўтмоқда. Шу Буюк Ғалаба йўлида, ҳозирги ва кейинги авлодларнинг тинч келажаги йўлида жон берган кишиларнинг хотирасига бутун халқаро вазиятни тубдан соғломлаштиришга эришиш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишимиз керак.

Ҳозир ядро уруши чиқишига йўл қўймаслик вазифасидан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Космосда қуролланишт пойгасининг олдини олиш ва айни вақтда ядро қуролларини тубдан қисқартириш йўлидан бориб, ниҳоят, шу қуролларнинг батамом йўқ қилинишига эришиш бу вазифани муваффақиятли ҳал қилишнинг бошланиши бўлур эди.

Мана шуларга асосланиб, Совет Иттифоқи космик ва ядро қуроллари юзасидан Совет — Америка музокараларини бошлаш ташаббуси билан майдонга чиқди. Биз бу музокараларни ишчанлик билан, амалий ўтказиш ниятидамиз. АҚШ ҳам масъулият билан ҳалол ёндашишига умид қиламиз.

Совет тинчлик тарафдорлари ҳаракатига, ер юзидаги барча тинчликсевар кучларга янги катта муваффақиятлар тилайман.

К. ЧЕРНЕНКО.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

23 январь куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Мажлисда 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш Асосий йўналишларининг лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, 80-йилларнинг бошларидан партия билан халқ КПСС XXVI съезди ва Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш соҳасида олиб борган ғоят катта ижодий ишлари натижасида мамлакатимиз ривожланган социализмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ишида олға томон анча силжиди. Экономикани муттасил юксалтиришни таъминлаш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини янада кўпайтириш ва уларнинг техникавий даражасини ошириш борасида катта қадам қўйилди. Шу жиҳатдан 1983 ва 1984 йиллар, айниқса самарали бўлди. Бу йиллар халқ хўжалиги амалда барча тармоқларининг ишида ижобий силжишлар билан нишонланди. Иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда жадаллашди, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди, миллий даромад кўпайди, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш кенг программаси амалга оширилмоқда.

Министрлар Совети 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган узоқ муддатли истиқболда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш Асосий йўналишларининг СССР Госплани тайёрлаган ҳамда у КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг кўрсатмаларини ижро этиб қайта ишлаб чиққан лойиҳасини бундан бўёнги иш учун асос қилиб олди.

СССР ҳукумати СССР Министрлар Советининг Президиумига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1984 йил 31 майдаги қарорига ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг экономикани ривожлантиришга оид энг муҳим масалалар юзасидан берган кўрсатмаларига амал қилиб, Асосий йўналишларнинг лойиҳаси устидаги ишни давом эттириши, мамлакат экономикасини интенсивлашда туб бурилиши таъминлаш, фан-техника тараққиётини анча жадаллаштириш ва шу асосда миллий даромадни ўстиришда юксак суръатларга эришиш келгусида совет жамиятини иқтисодий ва социал тараққий эттиришнинг янги марраларига чиқиб олиш ҳамда халқ фаровонлигини янада ошириш, давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш зарурлигига алоҳида эътибор беришни топширди.

1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш Асосий йўналишларининг аниқланган лойиҳасини КПСС Марказий Комитетига тақдим этиш топширилди.

Шу мажлиснинг ўзида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани билан Давлат бюджети бажарилишининг якунлари кўриб чиқилди.

СССР Министрлар Совети шуни қайд этиб ўтдики, КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ўртага қўйган социал-иқтисодий вазифаларни амалга ошириш борасидаги катта ташкилотчилик ишлари ҳамда меҳнаткашларнинг социалистик мусобақаси авж олдирилганлиги натижасида 1984 йилда ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш ва шу асосда совет халқининг моддий ҳамда маданий турмуш даражасини ўстириш таъминланди.

1984 йилда 1983 йилга нисбатан миллий даромад 2,6 процент, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 4,2 процент, шу жумладан «Б» группасида 4,3 процент, барча турдаги транспортнинг юк обороти 2,9 процент, давлат капитал маблағлари ҳисобига ишга туширилган асосий фондлар 3 процент кўпайди. Салкам 200 та йирик саноат корхонаси ишга туширилди. Байкал—Амур магистралининг бошдан охиригача поездларнинг иш қатнови муддатидан олдин очилди.

Ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот 1984 йилда беш йиллик дастлабки уч йилидаги ўртача йиллик ҳажмга нисбатан 5,6 процент ошди. Сут, чорва мол ва паррандани давлат йўли билан харид қилиш 1983 йилга нисбатан 4 процент, тухум харид қилиш эса 3 процент кўпайди.

1984 йилда сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Бутун халқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги 3 процент, саноатда 3,8 процент, қурилишда 2,8 процент ва темир йўл транспортида 2 процент ўсди. Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига саноат маҳсулотини пландаги 90 процент ўрнига 93 процент ўстиришга эришилди.

1984 йил давомида аҳолининг реал даромадлари 3 процент ошди. Ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 185 сўмга ва колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 145 сўмга етди. Давлат ва кооператив савдосининг чакана савдо обороти солиштирма нархларда 4,2 процент, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш реализация ҳажми 5,8 процент ўсди. Пул билан таъминлаш барча манбалари ҳисобига жами саҳни 113 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Кўплаб мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилди.

1984 йилда СССР Давлат бюджети даромадлар бўйича 102,5 процент бажарилди.

Ўтган йили хўжалик механизмини янада такомиллаштиришга доир ишлар давом эттирилди, саноатнинг бир қанча тармоқларида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида кенг кўламда иқтисодий эксперимент амалга оширилди.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1984 йил 15 ноябрда бўлиб ўтган мажлисида, шунингдек СССР Министрлар Советининг мажлисида қайд этиб ўтилганидек, кўпгина корхоналар ва ҳатто тармоқлар ишлаб чиқаришнинг муттасил ўсишини гарантияловчи натижаларга эришолмадилар, баъзи соҳалардаги қолоқлик бартараф этилгани йўқ. Бу нарса буюмлар номенклатураси ва маҳсулот етказиб бериш шартномалари бўйича планнинг бажарилишига, айниқса тааллуқлидир. Ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширишда ҳам таъминланмадик.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари зиммасига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1984 йил 15 ноябрдаги қарорига, ўртоқ К. У. Черненконинг шу мажлисда сўзлаган нутқида баён этилган йўл-йўриқлар ва хулосаларга амал қилиб, план топшириқлари ва меҳнат коллективлари 1985 йилда зиммаларига олган социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши ва ошириб адо этилиши юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кейинги йилларда экономикани ривожлантиришда эришилган ижобий силжишларни мустаҳкамлабгина қолмай, шу билан бирга кўпайтиришни назарда тутиб, КПСС XXVII съездини ва Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш, шу беш йилликни муваффақиятли тугаллаш ва ўн иккинчи беш йиллик учун мустаҳкам база вужудга келтириш вазифасини юклади.

СССР Министрлар Советининг мажлиси ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев ва В. И. Воротников, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. Н. Демичев ва КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков иштирок этдилар.

Мажлис охирида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов нутқ сўзлади.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

ЮКСАК ИШОНЧ

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Округ сайлов комиссияларининг мажлисларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Тошкент ва Тошкент областида республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди: 4-қурилиш трестининг бригадири **Сергей Григорьевич Зничук**, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Ирик Харасович Мусин**, Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг пўлат эритувчиси **Евгений Александрович Маршалов**, Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳайдовчиси **Татьяна Федоровна Марченко**, Тошкент электрон техника заводининг йиғувчиси **Татьяна Николаевна Кочкова**, Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи **Дилором Мажидовна Умарова**, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **Юрий Асралович Аселков**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Кузьма Иванович Лапкин**, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректори **Саъди Ҳасанович Сирожиддинов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Вячеслав Гаврилович Кретов**, Тошкент чинни заводининг ишчиси **Гўзал Сулаймоновна Эргашева**, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси **Нина Ивановна Талкина**, «Таштекстильмаш» заводининг ишчиси **Дина Дмитриевна Толстикова**, Тошкентдаги 2-автобус паркининг ҳайдовчиси **Эргаш Алимович Азаматов**, «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари **Виктор Васильевич Бочков**, СССРнинг космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони **Владимир Александрович Жонибеков**, Тошкент механика заводининг директори **Раҳим Ражабов**, Янги Ангрен ГРЭСи қурилиш бошқармасининг бошлиғи **Ирина Алексеевна Шигильчева**, Тошкент областидаги «Пискент» совхозининг ишчиси **Зебинисо Турсунбоевна Эгамбердиева**, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси **Миразиз Рўзматов**, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси **Ҳалима Тожибоевна Ражабова**, Тошкент область Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози правлениесининг раиси **Маҳмуд Исматов**, Тошкент область Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси **Мўъжак Болтабоева**.

Андижон областида қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаев**, Андижон шаҳар саноат моллари савдоси бошқармасининг сотувчиси **Азизмхон Абдусатторовна Қодирова**, Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи **Соҳиба Толиповна Асқарова**, Андижон механика заводининг слесари **Валентина Александровна Хицюк**, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри **Абдулла Маткаримович Худойбергонов**, Андижон областидаги Охунбобоев номли совхозининг сут соғувчиси **Олмосхон Сўпиева**, Ўзбекистон ССР савдо министри **Мадаминжон Ҳасанович Ҳасанов**, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри **Набижон Ғаниевич Қурбонов**, Жалолқудуқ районидаги Свердлов номли колхоз механизатори **Неъматжон Абдукаримов**, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари **Виктор Михайлович Любимов**, Партия XX съезди номли совхоз директори **Абдупатто Солиев**, Избоскан районидаги Тельман номли колхоз сут соғувчиси **Хосиятхон Тиллаевна Деҳқонова**, Избоскан районидаги Партия XX съезди номли колхоз правлениесининг раиси **Абдусамат Тиллабоев**, «Полвонтош» нефть конининг слесари **Мустафо Ғаффоров**, Хўжаободдаги Киров номли агросаноат комбинатининг бригадири **Зевра Усмонов**.

Бухоро областида округ комиссиялари қуйидагиларни республика давлат ҳокимиятининг олий органига номзод этиб рўйхатга олди: 163-қурилиш трести ғишт терувчилари бригадири **Исмат Истамов**, Бухоро-1 станцияси локомотив депосининг машинисти **Александр Борисович Власов**, Қоракўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Шамсия Худоевна Жўраева**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Владимир Иванович Сускин**, Абу Али ибн Сино номли совхоз механизатори **Сайфилло Файзиевич Тўраев**.

Қашқадарё области сайлов округларида қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиндилар: Қаршидаги 2-темир-бетон буюмлари заводининг арматурачиси **Наталья Николаевна Иванова**, Ғузор районидаги К. Маркс номли колхоз бригадири **Орол Туркменович Раҳимов**, «Фарғона» совхозининг механизатори **Тўйчи Йўлдошев**, Қамаши районидаги Калинин номли колхоз аъзоси **Улкан Қурбоновна Тошмуродова**, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси **Шавкат Акмалхонов**, «Ленинизм» совхозининг бригадири **Мавжуда Тошмуродова**, Қашқадарё область партия комитетининг иккинчи секретари **Михаил Филиппович Солдатов**, «Косон» совхозининг механизатори **Сирожиддин Саб. риддинов**, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари **Низом Жўраевич Ўрунов**, Китоб районидаги К. Маркс номли колхознинг сут соғувчиси **Ойдин Суяровна Худоёрова**, «Оқ олтин» совхозининг механизатори **Ўткир Очилович Азимов**, «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг бош чўпони **Тўймурод Нуров**, Ульянов номли совхоз бригадири **Гулчехра Жўраевна Мўминова**, Яккабоғ районидаги Ульянов номли колхозининг пиллачи звено бошлиғи **Зумрад Раҳмонова**.

(Давоми иккинчи бетда).

МОСКВАДА БУДАПЕШТ КУНЛАРИ

22 январь куни Марказий кўргазма залида очилган «Будапешт — 1945—1985» кўргазмасига қўйилган экспонатлар Венгрия пойтахтининг тарихи ва ҳозирги кунини, иккала мамлакат халқларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини тасвирлайди. Бу Москвада ўтказилаётган Будапешт кунлари тадбирларидан биридир.

Кўргазмани очиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, ВСИП Будапешт шаҳар комитетининг биринчи секретари К. Грос бошчилигидаги Венгрия пойтахтининг делегацияси ВХРнинг СССРдаги элчиси Ш. Райнаи қатнашдилар.

* * *

Будапешт кунлари доирасида Чет эллар билан дўстлик совет жамиятлари Союзида дўстлик поезди қатнашчиларининг Совет — Венгрия дўстлиги жамияти активлари билан учрашуви бўлди. (ТАСС).

АФҒОН САНЪАТИ БИЛАН УЧРАШУВ

22 январь куни Москвада очилган виставка Афғонистоннинг қадим замонлардан то шу кунларгача бўлган санъати билан таништиради. Экспозиция ташкил этилган Шарқ халқлари санъати музейи залларида миллий музей ва галерея коллекцияларидан, шунингдек Кобулдаги давлат архивидан олинган юзга яқин асар намойиш этилмоқда.

Афғон халқи бадиий ижодиёти ривожининг энг муҳим босқичлари акс эттирилган бундай виставка илк бор мамлакатдан ташқарида намойиш этилмоқда. Эрамизнинг биринчи асрига мансуб ҳайкалтарошлик асарлари зўр эстетик ҳурматга эга. Шарқ санъатига хос нафислик қадимий грекларда ўтган уйғунлик билан узвий қўшилиб кетган. Ўрта аср бўлими қўлёзмалардан ва декоратив-амалий санъат асарларидан иборат. Афғон усталари металл ва ёғочдан ишлаган буюмлар эътиборни жалб қилади.

Ҳозирги замон ижодиётига бағишланган бўлимда тасвирий санъат асарлари кўрсатилмоқда. Бу санъатни реалист рассом Абдул Ғафур Брешна бошлаб берган эди. Жонажон халқининг қаҳрамонона кураши ва меҳнати йилномасини яратаётган мўйқалам усталари 20-йиллар энг йирик рассомининг анъаналарига амал қилмоқдалар.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИДА

ҚАРШИ, 23 январь. (ЎзТАГ). Қашқадарё область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Область партия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туропов доклад қилди.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек, жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасидаги муайян ижобий натижалар билан бир қаторда фермаларнинг талайгина қисмида сут етиштириш кўрсаткичлари юқори эмас, бошқа маҳсулотлар ҳам кам етиштирилмоқда. Ем-хашакнинг мавжуд запаслари ҳамма жойда ҳам омилкорлик билан сарфланяпти деб бўлмайди.

Пленум қатнашчилари бир қанча хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги қолоқликни бартараф этиш, область қишлоқ хўжалиги олдида турган бошқа вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш зарурлигини уқтириб ўтдилар. Чорвачиликда ишлаётган кишилар тўғрисида дурустроқ ғамхўрлик қилиш лозимлиги таъкидланди. Кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўриш, шартномадаги мажбуриятларни бажариш учун, техника ўз вақтида ва сифатли ремонт қилиниши учун кадрларнинг масъулиятини ошириш масалаларига катта эътибор берилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими секторининг мудири лавозимида ишлаб келган А. М. Мўминов Қашқадарё область партия комитетининг секретари қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров нутқ сўзлади.

* * *

АНДИЖОН, 23 январь. (ЎзТАГ). Андижон область партия комитетининг бугун бу ерда бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари область партия ташкилотининг чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш, чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш, мазкур тармоқ резервларидан янада тўлароқ фойдаланиш юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Пленумда область хўжаликларида сут чорвачилигини ривожлантиришда ҳали номутаносибликка йўл қўйилаётганлиги, молларни гўштга топшириш вазни ҳамма жойда ҳам юқори даражада эмаслиги уқтириб ўтилди. Беш йиллик план топшириқлари бажарилмаслигига йўл қўйётган айрим районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари танқид қилинди.

Пленум мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан тадбирлар белгилади. Ем-хашакдан оқилона фойдаланишга, барча озуқа цехларининг узлуксиз ишлашини таъминлашга, ферма ходимларининг меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Илгари Магнитогорск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган В. А. Смеюшев Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди. Бундан олдин область комитетининг бўлим мудири бўлиб ишлаган А. Н. Набиев область партия комитетининг секретари этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов нутқ сўзлади.

ХАЛҚ ЭНГ МУНОСИБ КИШИЛАРНИ КЎРСАТМОҚДА

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Сайловолди йиғилишларида қуйидагилар Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзод этиб кўрсатилди: 7-Марказий сайлов округидан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори **Лидия Шатўхатовна Беккулбекова**, 59-Олмалиқ сайлов округидан — Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси **Шоҳида Ҳайдарова**, 76-Алимкент сайлов округидан — Тошкент область Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг механизатори **Саидраҳмон Абдураҳмонович Тошев**, 78-Тилов сайлов округидан — Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **Темур Аъзамович Алимов**, 83-Ғазалкент сайлов округидан — Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз правлениесининг раиси **Аширбек Абдухолиқов**, 84-Чорвоқ сайлов округидан — Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри **Азиз Ҳакимович Ҳамидов**, 85-Бўка сайлов округидан — Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Кибор Бакирович Мамедов**, 86-Қўқорол сайлов округидан — Тошкент область Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси **Муҳаббат Шукуровна Боева**, 89-Димитров сайлов округидан — Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари вазифасини ижро этувчи **Александр Федорович Клепиков**, 100-Намданак сайлов округидан — Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Сергей Тошқулович Тошқулов**, 106-Тўйтепа сайлов округидан — Тошкент область ижроия комитети раиси вазифасини ижро этувчи **Абдуҳамид Баҳодирович Саидҳўжаев**, 117-Бильдин сайлов округидан — Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Тоҳирбой Ҳотамов**, 135-Қатортол сайлов округидан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Нурислом Тўхлиев**, 152-Москва сайлов округидан — Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси **Зуҳрахон Мухторовна Қўчқорова**, 165-Бухоро сайлов округидан — Бухоро шаҳар ижроия комитетининг раиси **Шариф Камолович Хайруллаев**, 169-Когон сайлов округидан — Ўзбекистон ССР геология министри **Ҳабибулла Тўлаганович Тўлаганов**, 186-Шофиркон сайлов округидан — Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари **Мадамин Раҳимов**, 271-Учқўрғон сайлов округидан — Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри **Мўминжон Йўлдошев**, 279-Тошбулоқ сайлов округидан — Наманган районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири **Абдусаттор Халилов**, 333-Киров сайлов округидан — Нарпай район партия комитетининг биринчи секретари **Иноят Туробов**, 337-Пайариқ сайлов округидан — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакили **Тўрақул Йўлдошев**, 339-Арабхона сайлов округидан — Самарқанд область Пастдарғом районидаги Калинин номли колхоз аъзоси **Фароғат Хўжақуловна Рўзимуродова**, 346-Каттақўрғон-ариқ сайлов округидан — Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг бригадири **Сайёра Самиева**, 353-Энгельс сайлов округидан — Самарқанд область Ўргут районидаги Ильич номли колхоз аъзоси **Муяссар Ҳамидовна Азизова**, 373-Янгибозор сайлов округидан — Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министри **Александр Меркулович Илюхин**, 381-Дашнобод сайлов округидан — Ўзбекистон ССР юстиция министри **Баҳодир Гуломович Олимжонов**, 397-Маданият сайлов округидан — Гулистон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ботир Маҳмудович Маҳмудов**, 468-Питнак сайлов округидан — «Туямуюнгидростой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи **Искандар Юсупов**.

(ЎзТАГ).

НОМЗОДЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистонда сайловчиларнинг республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодлар билан учрашувлари баланд рухда ўтмоқда. Учрашувларнинг қатнашчилари сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг муносиб номзодлари учун якдиллик билан овоз берамиз, КПСС билан Совет давлатининг экономика ва маданиятни янада юксалтиришга, ер юзида тинчликни сақлаб қолишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигимизни намойиш этамиз, демоқдалар. Сўзга чиққан кишилар кенг сайловчилар оммасининг фикрини изоҳ этиб, меҳнат коллективлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, КПСС XXVII съездини янги ютуқлар билан кутиб олишга интилаётганликлари тўғрисида гапирмоқдалар.

23 январь куни 95-Бордонқўл сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози правлениесининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ман-Гим Григорьевич Хван** билан сайловчиларнинг учрашуви бўлди.

М.-Г. Г. Хван юксак ишонч учун самимий миннатдорчилик билдирди. У сайловчиларнинг наказларини бажариш учун бутун кучимни сарфлайман, деб ваъда берди.

105-Пахтаобод сайлов округи сайловчиларининг республика Олий Совети депутатлигига номзод — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси **Ҳалима Ражапова** билан учрашуви бўлди.

110-Чиноз сайлов округининг сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўзлари кўрсатган номзод — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси **Муборак Болтабоева** билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ЎН КУНЛИГИ

СССР билан Ҳиндистон ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ҳозирги халқаро вазиятда алоҳида аҳамият касб этади. Бу муносабатлар тинчлик ва барқарорлик гарови бўлиб, иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни кучайтиришга хизмат қилмоқда. 22 январь куни Москвада ҳинд рассоми Ж. Сингх кўргазмасини очиш пайтида шу фикр уқтириб ўтилди. Шу тадбир билан СССРда дўст мамлакатнинг миллий байрами — Республика кунига бағишланган Совет—Ҳиндистон дўстлиги ўн кунлиги бошланди.

Ўн кунлик доирасида Москвада ва бошқа шаҳарларда жамоатчилик йиғилишлари, дўстлик кечалари ва митинглар ўтказилади.

(ТАСС).

ЮКСАК ИШОНЧ

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

(Боши биринчи бетда)

Навоий областида «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси **Татьяна Михайловна Юхно**, «Шофиркон» совхозининг бош чўпони **Нортой Бердиев**, «Қизилча» совхозининг чўпони **Файзихон Қўнисов** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиндилар.

Наманган областида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига қуйидагилар номзод этиб рўйхатга олинди: Наманган «Узэлектротерм» ишлаб чиқариш бирлашмаси заводининг токари **Юрий Васильевич Кочергин**, Наманганда-ги нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси **Мукаррам Ғуломовна Ғайбуллаева**, «Облколхозстрой» трестининг бошқарувчиси **Асқаржон Ҳожимирзаев**, Тўрақўрғон районидаги «Партия XXV съезди» колхозининг аъзоси **Кимёхон Аҳмедовна Исомиддинова**, Уйчи районидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси **Маъсудахон Тўрабоевна Хатамова**, К. Маркс номли совхоз сут согувчиси **Насиба Саримсоқовна Давронова**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Эркин Юсупович Юсупов**.

Самарқанд областидаги округ сайлов комиссиялари «Красний двигатель» заводининг слесари **Исмат Исломовни**, Иштихон районидаги Ильич номли колхоз механизатори **Ҳикоят Шамсиевани**, Ингичка руда бошқармаси саралаш фабрикасининг флотатори **Раиса Ивановна Жермальни**, Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг ишчиси **Зариф Бобомуродовни**, «Қўшработ» совхозининг тракторчиси **Сулаймон Ялғашевни**, «Мойбулоқ» совхозининг бош чўпони **Холбой Норжигитовни**, Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари **Уткир Раҳматович Мўминовни**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Бўри Алламуродович Алламуродовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олдилар.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ЙЎЛИДАН

Қўқон шаҳрининг меҳнаткашлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненкининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисидаги нутқида баён этилган вазифаларга амал қилиб, КПССнинг навбатдаги XXVII съездини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

ҚЎҚОН ШАҲРИ САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1985 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

саноат маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий турдаги маҳсулотларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган 1985 йилги давлат плани муддатидан аввал — 1985 йил 26 декабрда бажарилади.

Пландан ташқари 4,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади, 3 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини 1984 йилга нисбатан планда белгиланган 7 процент ўрнига 8,5 процент кўпайтириш таъминланади. Ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг камида 80 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига қўлга киритилади.

Йиллик пландан ташқари 600 тонна нефть, 3 миллион кубометр газ қазиб олинади, 500 тонна пахта толаси, 550 тонна ўсимлик ёғи, 350 тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, 100 тонна макарон ва кондитер маҳсулотлари, 400 минг жуфт пайпоқ, 1,5 минг тонна ун, 10 минг жуфт пойабзал, 32 минг квадрат метр шойи ва 9 минг квадрат метр ип газлама, 150 минг сўмлик мебель, 220 минг сўмлик тикилган буюмлар, 1,5 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади.

Олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи аттестация қилинадиган жами маҳсулот ҳажмининг 24 процентига етказилади. 60 турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Янги техника ва илғор технологияга оид 300 тадбир, 1150 та рационализаторлик таклифи ва ихтиро ишлаб чиқаришга жорий этилиб, жами 1,5 миллион сўм иқтисодий наф олинади.

Энергияни тежовчи технологиялар имкони борича кўпроқ қўлланилиши ва унинг самарадорлиги оширилиши, ишлаб чиқариш нобудгарчилиги қисқартирилиши, ишлаб чиқариш чиқитларидан ва иккиламчи ресурслардан янада тўлиқроқ фойдаланилиши таъминланади. 6,4 миллион киловатт-соат электр энергияси, 570 гигакалорий иссиқлик энергияси, 360 шартли тонна қозон-печь ёқилғиси, 300 тонна дизель ёқилғиси, 30 тонна автобензин, 70 тонна цемент, 690 кубометр ёғоч-тахта материаллари тежаб қолинади. Тежалган ёқилғи, электр энергия ва хом ашё ҳисобига икки кун ишлаб берилади, маҳсулотнинг таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади. Иш вақтининг зое ўтиши ўтган йилга нисбатан 200 одам-куни миқдорида қисқартирилади. 1400 нафар янги ишчи тайёрланади, 4850 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади.

Иш жойларини аттестация қилиш кучайтирилади. Меҳнат иштироки коэффициенти ҳисобга олинадиган ягона наряд асосида ишловчи бригадалар жами 440 тага, шу бригадалар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар салмоғи 75 процентга етказилади.

Фан ва техника ютуқларини кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1 процентдан зиёд оширилади.

Ҳамма турдаги транспортда ташиш плани муддатидан аввал, 30 декабрда бажарилади, пландан ташқари халқ хўжалигининг 80 минг тонна юки, 165 минг пассажир ташиб берилади. Ҳар бир вагонга статик юк ортиш 0,3 процент оширилади, оғир юкли поездларда камида 3,5 миллион тонна юк ташилади;

алоқа корхоналари даромад олиш йиллик планини 30 декабрда бажаради ва пландан ташқари 2 минг сўм қўшимча даромад олиниши таъминланади;

товар оборот ва маиший хизмат кўрсатишнинг умумий ҳажми йиллик плани 30 декабрда бажарилади. Умумий ҳажми юзасидан белгиланган пландан ташқари аҳолига 120 минг сўмлик товар, шу жумладан кооператив савдо йўли билан 30 минг сўмлик товар сотилади, 20 минг сўмлик хизмат кўрсатилади. Ўзигаўзи хизмат қилиш усулида сотиладиган товарларнинг салмоғи 66 процентга, матлубот кооперациясида 98 процентга етказилади. Маҳсулотларнинг савдо майдони минг квадрат метр ҳажмида кенгайтирилади, умумий овқатланиш корхоналарида 180 ўрин янгидан ҳосил қилинади;

қурилиш-монтаж ишлари плани муддатидан аввал, 28 декабрда бажарилади. 10,4 минг квадрат метр уй-жой, 600 ўринли болалар боғчалари ва 1568 ўринли мактаблар ишга туширилиши таъминланади;

ёрдамчи хўжаликлар тармоғи ва самарадорлиги ҳар томонлама ривожлантирилади, уларда 350 тонна гўшт, 170 тонна сут, 21 минг дона тухум етиштирилиб, аҳолига сотилади.

Социалистик мажбуриятлар меҳнаткашларнинг коллективларида қабул этилган.

ТОШКЕНТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ БУРЧМУЛЛА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Бурчмулла ўрмон хўжалиги коллективи партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини бажара бориб, 1984 йилги социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажарди.

Пландаги 215 гектар ўрнига 235 гектар майдонга дов-дарахт кўчатлари ўтқазилди ва уларнинг 78 проценти тутиб кетди ёки планда кўзда тутилганидан 8 процент ортиқ бўлди. Стандарт кўчат етиштириш плани 140 процент, ўрмон хўжалик ўсимликлари тайёрлаш плани 143 процент, дов-дарахт уруғликлари тайёрлаш плани 105 процент қилиб бажарилди. Пландан ташқари, давлатга 27 тонна ҳўл мева топширилди, 20 минг сўмлик товар маҳсулот реализация қилинди.

Бурчмулла ўрмон хўжалиги коллективи Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш, КПСС XXVII съездини ҳамда совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан нишонлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳаракатида 1985 йилда зиммасига қўйидаги социалистик мажбуриятларни олди:

235 гектар майдонда, шундан пландан ташқари 21 гектар майдонда юксак агротехника даражасида дов-дарахт кўчатлари ўтқазилиб, уларнинг тутиши камида 79 процентга етказилади. Пландан ташқари 250 килограмм дов-дарахт стандарт уруғликлари, 44 тонна дори ўтлар тайёрланади, давлатга 255 тонна ҳўл мева сотилади. 143 минг сўмлик товар маҳсулот, шундан пландан ташқари 23 минг сўмлик товар маҳсулот етиштирилади ва реализация қилинади, 75 минг сўмгача фойда олишга эришилади. Бу планда кўзда тутилганидан 19 минг сўм кўпдир.

Ўрмон хўжалиги коллективи зиммасига олган социалистик мажбуриятларини 1985 йил 20 декабргача бажариш учун бутун куч ва маҳоратини ишга солади.

Социалистик мажбуриятлар Бурчмулла ўрмон хўжалиги коллективининг йиғилишида муҳокамадан ўтказилиб, қабул қилинган.

НАЗОРАТ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

КОНТРОЛ ҚИЛИШ—АВВАЛО ОДАМЛАР БИЛАН ЖОНЛИ ИШ ОЛИБ БОРИШ ДЕМАКДИР. БУ ЎРИНДА ҚАТЪИЯТ, ТАЛАБЧАНЛИК ВА АЙНИ ВАҚТДА ХАЙРИХОҲЛИК БИЛАН МОҲИРОНА ЁНДАШИШ ЖУДА МУҲИМЛИГИНИ ТАЖРИБА КЎРСАТИБ ТУРИБДИ... ДЕМАК, ХАЛҚ КОНТРОЛИНИНГ ИШИДА ТЕКШИРИШ, КАМЧИЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ТУЗАТИШ БИР БУТУН ҚИЛИБ БИРЛАШТИРИЛИШИ ЛОЗИМ.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

КАТТА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

«Тежамкорлик бутун иқтисодий турмушимизнинг қатъий қонуни бўлиб қолиши керак». КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида ана шу вазифани олдимизга қўйган эди. Бу кенгашда қатнашганлигим қалбимга қувонч ва ифтихор бағишлабгина қолмай, зиммамиздаги бурч ва масъулиятни чуқурроқ англашимга ёрдам берди.

Иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун собиткадамлик билан кураш олиб бориш халқ контролёрлари фаолиятининг энг муҳим жабҳаларидан бири бўлиб келди.

Фабрика халқ контроли группаси 21 аъзони ўз атрофига бирлаштирган. Бундан ташқари 35 кишидан иборат 7 та цех группаси ишлаб турибди. Электр монтёр, коммунистик меҳнат зарбдори Қобул Саидов бошчилигидаги иқтисод ва тежамкорлик назорати сектори ишини намунали ташкил этишга алоҳида эътибор бераётирмиз. План асосида ўтказилаётган рейд ва текширишларда хом ашё, материаллар, энергиянинг сарфланиши синчиклаб ўрганилиб, хўжасизлик ва исроф-гарчилик фактлари фош қилиниб, мавжуд нуқсонларни зудлик билан тугатиш чоралари кўрилмоқда. Текшириш якунлари группа йиғилишларида принципиаллик, ишчанлик вазиятида муҳокама этилиб, қарорлар ижроси кундалик назорат остига олинади.

Халқ контроли группасининг йиғилишларида материаллардан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйган, тикув машиналари ва механизмларнинг нормативдан ортиқча бекор туришига лоқайд қараган айрим ходимларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилди. Цех бошлиғи Рустам Ражабов, участка бошлиғи Сония Шокирова, мастер Раъно Раҳимова тегишлича жазо олдилар.

Кўзда тутилган мақсадга фақат айбдорларни жазолаш билан эришиб бўлмайди, албатта. Энг муҳими исрофгарчилик сабабларини аниқлаш, хато ва нуқсонлар такрорланмаслиги учун зарур бўлган тадбирларни амалга оширишдадир. Ҳар бир цех, участка ва бригадада ҳисоб-китобни аниқ юритиш, бу ишда тикувчилар ва мастерлар масъулиятини ошириш, махсус тежамкорлик дафтарида сарф-харажатни қайд қилиш, ҳисоботни тартибга солиш ҳақида биз киритган таклифларни маъмурият ва бошланғич партия ташкилоти қўллаб-қувватлади.

Халқ назоратчилари олиб бораётган текширишлар, улар илгари сурган таклифлар, ташаббуслар самараси пировард натижада корхона кўрсаткичлари яхшиланишида ўз ифодасини топмоқда. Ўтган йили 63 минг кубометр газ, 23 минг киловатт-соат электр энергияси, 24 минг сўмлик материал иқтисод қилинганлиги сўзимизнинг далили бўла олади. Меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда 1 процент ошириш ҳар бир ишчи ҳисобига 169 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтириш эса 75 минг сўмни тежаш имконини берди.

Корхонамиз коллективи КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун қабул қилган социалистик мажбуриятларида тежамкорлик режимига қатъий риоя қилиш режалари конкрет акс эттирилган. Вазифа тежалган энергия ва материаллар ҳисобига уч кун ишлашдан иборат. Назоратчиларимиз ишлаб чиқаришда исрофгарчилик ва ортиқча харажатларга йўл қўйилмаслиги учун муросасиз кураш олиб боришга, тежамкорликка эришиш йўлида юксак фаолият ва ташаббускорлик кўрсатишга бел боғлаганлар.

Б. БЕКЖОНОВ,
Хивадаги «СССР 50 йиллиги» тикувчилик фабрикаси халқ контроли группасининг раиси.

НАЗОРАТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

САДОҚАТ

Тушликдан қайтаётган Маҳмуд ака омбор олдида устига тахта ортилган машинага кўзи тушди. «Олиб келишибди-да, — хаёлидан ўтказди у. — Энди ишимиз юришадиган бўлди». Аммо шу заҳоти ҳушёр тортди. Тахта мўлжалдагидан камроқ кўринарди. Назоратчи дарҳол ҳужжатни сўради. 22,6 кубометр. Лекин тажрибали дурадгорнинг кўнгли тўлмади. У ўлчов асбобисиз ҳам олиб келинган тахтанинг кўрсатилганидан кам эканлигини сезганди. Маҳмуд ака зудлик билан тахтани контрол текширувдан ўтказиш зарурлигини талаб қилди.

Назоратчи адашмаганди. Ҳақиқатан ҳам умумий суммаси 800 сўмдан ортиқ бўлган 6,5 кубометр қурилиш материали кам эканлиги аниқланди. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ёғочни қайта ишлаш заводининг марказлашган базасига жўнатилди ва материалнинг қолган қисми ундириб олинди. Хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун экспедиторга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Бу Коммунистик районидаги 98-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна халқ контроли группасининг раиси Маҳмуд Раҳматовнинг жамоатчилик фаолиятидан бир мисол, холос. Раҳматов кейинги вақтда софдил, принципиал коммунист эканлигини ишда ҳам, жамоатчилик топшириғига муносабатда ҳам ёрқин кўрсатди. У назоратчиларнинг етакчиси сифатида группа фаолиятини колонна ишининг энг муҳим томонларига йўналтирмоқда. Иш вақтидан унумли фойдаланмаслик, қурилиш материалларини исроф этиш, бекор туриб қолиш каби ҳолларга қарши кескин ўт очилди. Тушган сигналларга оператив аксадо берилмоқда. Хизмат вазифасидан ўз манфаати йўлида фойдаланувчи кишиларга нисбатан муросасизлик муҳити вужудга келтирилди. Объектларнинг битказилиш муддати ва сифати алоҳида назорат этилмоқда. Энг муҳими, Ғаниҳўжа Аскарҳўжаев, Абузар Сулаймонов, Солиҳўжа Мирзаев сингари халқ мулки жонкуярларининг ғайрат ва интилувчанлиги туфайли планда белгиланган текшириш ва рейдлар муддатида ўтказилиб, қилинган ишлар якуни халқ контроли группасининг мажлисида чуқур таҳлил этиб чиқилаётир. Кўрилган масала муҳимлиги ва кўламига қараб колонна маъмурияти ва партия ташкилотига ҳавола этилаётир.

Яқинда халқ назоратчилари «Правда» колхозидаги мактаб биноси қурилишида ишлар ўлда-жўлдалиги, бунинг устига лойиҳага амал қилинмаётганлиги ҳақида хабар топишди. Бу объектга мутасадди бўлган прораб С. Мирзабековнинг масаласи партия ташкилотига ҳавола этилди. Ишдаги лоқайдлик ва қатор нуқсонлар учун прорабга қаттиқ жазо берилди. Аммо, С. Мирзабеков шундан кейин ҳам тегишли хулоса чиқармади. Ишга ноқобиллиги, ўз манфаатини коллектив манфаатидан устун қўяётганлиги маълум бўлгач, ишдан четлатилди. Унинг ўрнига малакали мутахассис М. Мансуров тайинланди. Натижада қурилишда иш жонланди. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Колоннада тартиб-интизомнинг мустаҳкамланганлиги, талабчанлик вазияти қарор топганлиги эришилаётган натижаларда ҳам акс этмоқда. Кўчма колонна ўтган йили бинокорлик ишлари планини ортиғи билан адо этди. Белгиланганидан салкам 500 минг сўмлик кўп қурилиш ишлари адо этилди. Шуни қониқиш билан таъкидлаш лозимки, тўққиз ой мобайнида 61 тонна цемент, 30 кубометр ёғоч, 7,2 тонна металл ва бошқа кўплаб бинокорлик материаллари тежаб қолинди.

— Биз халқ назоратчиларимизнинг фаолиятидан қониқиш ҳосил қилмоқдамиз, — дейди 98-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна партия ташкилотининг секретари Александр Васильевич Ремегайло. — Айниқса, группа раиси Маҳмуд Раҳматовнинг фаоллиги барчага намунадир. «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори М. Раҳматов етакчиларнинг халқ мулки посбонлари коллективимиз фаолиятининг барча йўналишларида актив жамоатчилик ишлари олиб бориб, меҳнат ҳосилининг салмоғини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

О. ОСТОНОВ.

ЖОНКУЯР

Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз-техникум ишчилари СССР Олий Совети депутати, тажрибали пахтакор Рўёб Маматованинг номини алоҳида ҳурмат ва эътибор билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас. Рўёб Маматова мана ўн беш йилдирки халқ назоратчиси сифатида ҳам актив иш олиб бормоқда. Камчиликларга муросасизлик, талабчанлик, қатъиятлилик унга хос фазилатлардир. Чигит ерга тушгандан тортиб етиштирилган ҳосил қабул пунктларига етказиб берилгунгача бўлган барча иш жараёни унинг кўз ўнгида. Маматова ғўза парваришни сифатли ўтказилиши, агротехника қоидаларининг муддатида амалга оширилиши, ҳар бир иш юксак сифатли бажарилишини қаттиқ назорат этиб боради. Бригада ўтган йилги оғир шароитларда ҳар гектар ер ҳисобига 38,7 центнердан ҳосил етиштирганлигида ҳам жонкуяр назоратчининг муносиб ҳиссаси бор. Коллективда етиштирилган ҳосилнинг таннархи арзонлашиб бормоқда.

Ҳ. СОЛИҲОВ.

Совет турмуш тарзи

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МАҲАЛЛА КОМИТЕТИ АҲОЛИ ОРАСИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН СИЕСИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ТАЖРИБАСИДАН

— Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига маҳалламизда олиб бориладиган тайёргарлик ишлари комиссиясининг режаларини эшитиб биз, уруш ветеранлари, бениҳоя хурсанд бўлдик,— деди клубга йиғилган маҳалла аҳли олдида сўзга чиққан Мирҳосил Қосимов.— Биз, ветеранларнинг ҳам сизга аталган бир совғамиз бор. Маҳалламиздан 80 дан зиёд киши Улуғ Ватан урушида қатнашиб, улардан атиги 25 таси соғ-омон ўз юртига қайтган. Уларнинг исми-шарифлари заҳрал ҳарфлар билан ёзилган ёдгорлик ўрнатиладиган хиёбончага биттадан бўлса 25 та, иккитадан бўлса 50 туп мевали ниҳол экиш ниятидамиз. Бу кўчатларни ўзимиз парвариш қилиб, ўзимиз вояга етказиб берамиз. Жойимиз кенг, офтобрўй, серсув. Бу боққа Ғалаба хиёбони деб ном қўйсак... У биздан маҳалламизга, болаларимизга бир ёдгорлик бўлиб қолсин.

Залда қарсаклар янгради.

— Ғалаба хиёбони ўқувчиларнинг октябрятлар, пионерлар сафига ўтадиган, ЗАГСдан ўтиб келган ёшларнинг зиёрат қиладиган жойига айланади, — деди тўрда ўтирган пенсионерлардан бири қувонч билан.

Байрам тараддуди юзасидан сўзга чиқувчилар, таклиф-мулоҳаза билдирувчиларнинг кети узилмасди. Комсомол-ёшлар китобсеварлар жамияти, атеистик бурчакни безашни ўз зиммаларига олишса, Абдулҳай Тожиев номли кўча йиғилтари хиёбон йўлкаларини ўз кучлари билан асфальтлашга сўз беришди. Маҳалла клубини капитал ремонтдан чиқаришда усталарга яқиндан ёрдам беришга бир группа одамлар ажратилса, клубни безашга яна бир группа йигит-қиз хоҳиш билдирди...

Ҳар байрам шундай. Ҳар байрам шарофати билан маҳаллада янгиликка интилиш, кўтаринкилик руҳи пайдо бўлади.

— Маҳалла аҳлининг умумий йиғилишидан фойдаланиб, «Намунали уй бекаси» кўрик-конкурсимиз натижаларини эълон қиламиз, — деди сўз олган хотин-қизлар Советининг раиси Лаъли Рўзиева ва рўйхатни қўйй бошлади: Маҳбуба Нуриддинова, Ҳожар Муродова... Навбат Ҳалима Самиғова келганда залда жонланиш сезилди. Бунинг боиси бор эди, албатта. Негаки, кечагина бир этак болага ўралашиб, уйда ўтирган аёл бугун «Намунали уй бекаси» деган шарафли номга сазовор. Ҳалиманинг ҳеч эсидан чиқмайди. Бир куни маҳалла комитетининг раиси Одила Умарҳўжаева унинг нега ишламаётгани билан қизиқиб қолди.

— Кошкийди, ишласам,— ер чизди Ҳалима.— Болаларим ёш...

— Боғчага жойлаймиз,— далда берди Одила опа.

— Боғча ёшидагиларим бир эмас, учта-да...

— Учовининг ҳам ҳужжатларини тўғрилаб боғчага олиб чиқинг!

Умарҳўжаева сўзининг устидан чиқди. РайОНОга учрашди ва йўлланма олиб, ўзи мудиралик қилаётган маҳалладаги 394-болалар комбинатига Ҳалиманинг болаларини қабул қилиб олди.

Шу-шу тўққиз боланинг онаси Ҳ. Самиғова «Чевар» фабрикасининг ишчиси. У уйига иш олиб тикади. Болалари вояга етмоқда. Каттаси ёнига кириб, ҳамма ишда кўмаклашади. Маҳалладошларининг кўз ўнгида ўзини ўнглаб олиб, ишда, уйда, болалар тарбиясида ҳаммага ибрат бўларли аёлнинг бахтидан қувонмай бўладими?!

Маҳаллада уйга иш олиб тикувчи ишчи аёллар 1983 йили атиги 8 киши эди. Бултур 25 нафарга етди. Шуниси қувончлики, уйда ўтирган аёллар орасида ижтимоий меҳнатда қатнашиш иштиёқи тобора кучайиб бормоқда.

...Йиғилиш тугади. Конкурс голиблари ўз маҳалладошлари, турмуш йўлдошлари, қолаверса фарзандлари кўз олдида рағбатлантирилганликларидан кўтаринки бир кайфиятда эдилар.

Одамларни янгидан янги ишларга отлантирадиган бундай йиғинларга маҳалла аҳли доимо фаол қатнашади. Маҳалла комитети, хотин-қизлар Совети аҳоли олдига қўйган таклиф ва тавсияларни одамлар янги-янги фикр-мулоҳазалари билан бойитадилар ва қўллаб-қувватлайдилар. «Тўйлар ҳақида ўйлар» мавзуида ўтган мунозарали кеча ҳам худди шундай самара берганди. Ўшанда клубга йиғилганларнинг аксарияти хотин-қизлар эди.

—...Эркаклар, кўринмаяпти-я ёки биз аёлларнинг устидан шикоят ёзишганмикан-а, — ҳазиломуз кулди аёллардан бири.

— Ҳа, устингиздан шикоят тушган,— деди маҳалла комитетининг раиси жиддий. — Ҳазиллашаётганим йўқ. Ростдан ҳам эркаклар сиздан нолишяпти.— гапида давом этди Умарҳўжаева клубни тўлдириб ўтирган аёлларга синовчан назар ташлаб. — Фалончининг эри шунча боласига данғиллатиб тўй қилиб берса-ю, сиз битта ўғлингизни ҳам ёлчитиб уйлантира олмайсиз, қизимга чет эл мебелини олиб бермасангиз, тўйни тўхтатаман дейдиган аёллар ҳам, афсуски, орамизда бор экан...

Мунозарани хотин-қизлар Советининг раиси бошлаб берди. Давра суҳбатини Мавжудахон, Пўлатой, Муясархон, Муқаддасойлар давом эттиришди. Гапирмаган қолмади. Шуниси диққатга сазоворки, мунозара танқидий руҳда ўтди. Эл-юртдан ошириб, мақтанчоқликка тўй қилган кишиларни андиша қилиб ўтирмай номма-ном санаб ўтишди.

Маҳалла комитети эски урф-одатларга қарши кураш, янгича расм-русумларни ҳаётга татбиқ этишдек актуал масалани хотин-қизлар билан ишлашдан бошлаб тўғри йўл тутганлиги тўй маросимларида ўз акс-садосини бера бошлади. Бир кунда, ичкиликсиз ўтадиган тўйлар маҳаллада одат тусига кирмоқда.

Кенгашли тўй тарқамас. Ҳақ гап. Маҳалла комитети ўзининг қарийб 20 йиллик иш тажрибасидан буни яхши билади. Маҳалла клуби ва идораси ҳашар йўли билан қурилди. Одамларнинг меҳнатга лаёқати ва муносабати, бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатлари синовдан ўтди. Энг муҳими — коллектив нималарга қодир эканини кўрсатди. Қариялар уйини ташкил этишда ҳам, хонадонларни телефонлаштириш ва канализация ўтказиш, кўчаларга асфальт ётқизишда ҳам ҳамжиҳатликда иш кўрилди.

Совет Армиясига чақирилган, паспорт олаётган, сайловда илк бор қатнашаётган ёшларни маҳалла аҳли табриклаб катта ҳаёт қўйнига узатади. Маҳалладаги китобсеварлар жамияти фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Жамият ўтган йили пойтахтдаги 23-китоб магазинидан 3 минг сўмлик китоб харид қилди. «Шарқ юлдузи» маҳалласи китобсеварлар жамияти Акмал Икромов районидаги 39 маҳалла орасида энг яхши деб топилган учта маҳалланинг биттаси ҳисобланди. Маҳалладаги бундай ибратли ишларни олиб боришда Ж. Ҳасанбоев, М. Исроилов, Ж. Муродов, А. Авазматов, Н. Муҳиддинов, А. Оллаёров, А. Соқиев каби активларнинг номини фахр билан тилга олиш мумкин. Қувончлиси шундаки, ташаббускорликда маҳалла хотин-қизлари илғорликни қўлдан бермаётирлар. Маҳаллада истиқомат қилаётган 2400 кишининг тенг ярми хотин-қизлар. Улардан 70 дан зиёди КПСС аъзоси. Улар орасида ўқитувчилар, врачлар, район, шаҳар, республика Олий Совети депутатлари, меҳнат ветеранлари бор...

Мушарраф Қосимова, Ойша Ҳасанбоева, Карима Исроилова, Маҳфуза Оллаёрова, Сора Ортиқхўжаева, Мавжуда Қосимова, Мунира Мусаева каби жамоат ишларида фаол қатнашаётган аёллар билан маҳалла аҳли ҳақли равишда фахрланади.

Дилбар МАҲМУДОВА.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Имзосиз хатда Боёвут районидаги 1-ўрта мактаб директори Б. Раҳимова таълим-тарбия ишларида қўпол хатоликларга йўл қўяётгани таъкидланган эди. Текширишда шикоятда баён этилган фактлар тасдиқланди.

Текшириш якунлари Боёвут район халқ маорифи бўлими Советида муҳокама қилинди. 1-мактаб директори Б. Раҳимова ва директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари С. Ю. Воронина лавозимларидан бўшатилиб, ўз мутахассисликлари бўйича мазкур мактабда ўқитувчи қилиб қолдирилди. Мактаб директорининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бўйича ўринбосари А. Очилов қаттиқ огоҳлантирилди.

ҒИЖДУВОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Райондаги «Ленинизм» колхози участка агрономи Ф. Қурбонов томонидан ёзилган хат юзасидан текшириш ўтказилди. Текширишда қуйидагилар аниқланди: «Ленинизм» колхозининг 1984 йилда алмашлаб экиш планида 5-бригада (собиқ бригадир Х. Очилов) ўн гектар ерга ўт-беда экишни планлаштирган. Бригада бошлиғи ва участка агрономи Ф. Қурбоновнинг эътиборсизлиги оқибатида майдон ўз вақтида экишга тайёрланмаган. Натижада униб чиққан ўт-беда қуриб қолган. Такрорий экиш топшириғи ҳам асоссиз кечиктирилган. Бу масала партия йиғилишида муҳокама қилиниб, собиқ бригада бошлиғи Х. Очиловга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан, участка агрономи Ф. Қурбоновга эса ҳайфсан берилди.

«Ленинизм» колхози правлениесининг йиғилишида хўжаликда пахта териш ва давлатга топшириш ишлари аҳволи тўғрисидаги масала муҳокама қилиниб, ўз участкасида меҳнат интизоми устидан назоратни бўшаштириб юборгани, белгиланган график топшириғи бажарилишини ташкил этолмагани учун Ф. Қурбонов вазифасидан озод қилинди. Унинг бундан буён колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда бор кучи ҳамда билимини сарфлаб, меҳнат қилишга сўз берганлиги инобатга олиниб, колхознинг янги ўзлаштирилган Қутчи массивидаги участкага агроном қилиб тайинланди.

НУРОТА РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— У. Бобокалоновнинг хати район Совети ижроия комитетида кўриб чиқилди. Унда кўрсатилган камчиликлар тасдиқланди. Ўқувчиларнинг мактабга қатнаши учун совхоз маъмурияти машина ажратди.

Почта хизматида камчиликларга йўл қўйилганлиги учун район алоқа бўлимининг бошлиғи огоҳлантирилди ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бенуқсон ишлаганлиги, энергия-механика хизмати ва моддий-техника таъминоти ишларини ташкил этишни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшганлиги, ижтимоий ҳаётда актив қатнашганлиги учун СССР Қўмир саноати министрлиги «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари ўртоқ Владимир Давидович **Фрейдлинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялашдаги катта хизматлари учун Тошкент шаҳридаги Ҳамза номли болалар музика мактабининг директори ўртоқ Абдували **Ҳошимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада кино санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун К. Ерматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудиясининг актёри ўртоқ Дилором Файзуллаевна **Қамбаровга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони берди.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

АМАЛИЙ ЧОРА КУТАМИЗ

Совхозимиз пахтачиликка ихтисослаштирилган бўлса-да, чорвачиликка ҳам етакчи тармоқ сифатида қараймиз. Совхозда иккита қорамолчилик фермаси бўлиб, 1170 бош сигир парвариш қилинмоқда. Қиш гамини ёзда е, деганларидек ўтган йили молларимиз учун етарли миқдорда ем-хашак жамғарган эдик. Бу эндиликда қўл келяпти. Ҳар бир қорамол мутахассислар белгилаб берган рацион асосида озиқлантирилмоқда. Ҳаво очиқ кунлари қорамоллар далага чиқариб яйратиладиган.

Бизда чорвага меҳр қўйган ажойиб молбоқарлар борки, улар номини фахр билан тилга оламиз. Шойи Ҳаққулов, Норқобил Рўзиев, Нормон Номозов, Чори Қувватов сингари тажрибали молбоқарлар қорамолларни яхши парвариш қилаётганликлари туфайли сигирлар сути ортиб, бўрдоқиларнинг этига эт қўшилмоқда. Кунига ҳар бир сигирдан 9—10 килограммдан серқаймоқ сут соғиб оляпмиз.

Ўтган йили ўзимизга биркитилган 15—20 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3200 килограммдан сут соғиб олиб, шахсий планларимизни ошириб бажардик. Ҳамкасбларимиз Адолат Отамуродова, Руқия Тўраева кабилар ҳам ҳар бош сигирдан 3000 килограммдан ошириб серқаймоқ сут соғиб олишга эришдилар.

Аммо булардан қониқиш ҳосил қилолмаймиз. Сигирлар маҳсулдорлигини оширишда бундан ҳам кўпроқ муваффақиятлар қўлга киритилиши мумкин. Айрим илғор хўжаликлар ва пешқадам сут соғувчиларнинг тажрибасини синчиклаб ўрганиш ва иш фаолиятимизда қўлланиш, мўл-кўл сут соғиб олишни таъминлайди. Аммо хўжалигимиз раҳбарлари бу муҳим ишга етарли эътибор беришмаяпти. Шу туфайли ўтган йили совхозимиз сут тайёрлаш планини бажара олмади. Давлатга аранг 400 тонна сут топширилди, холос. Бу йиллик планнинг 75 процентини ташкил этади.

Бундан ташқари раҳбарлар имкониятни ҳисобга олмай, ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қиладилару унинг бажарилиши билан жиддий шуғулланмайдилар. Ички резервлар ишга солинмайди. Биздаги соғин сигирларнинг ҳаммаси ҳам бир хил сут бермайди. Чунки улар зотли эмас. Маҳсулдорлиги паст. Планлар эса катта. Шу сабабли кўпинча ночор аҳволни хаспўшлаш мақсадида ошириб ёзишга, кўзбўямачиликка йўл қўйиляпти. Биргина 1983 йилда 60 тонна сут қўшиб ёзилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари подадаги мавжуд моллар орасида соғин сигирларни етарли деб бўлмайди. Масалан, бизнинг Зиёд Мажидов бошлиқ қорамолчилик фермамизда 412 бош қорамолдан атиги 130 таси соғин сигирдир. Бу билан сутни қандай кўпайтириш мумкин?

Фикримизча, чорвачиликка муносабатни яхшиламай туриб, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш қийин. Буни биз совхозимиз мисолида ҳам кўряпмиз. Хўжалигимизда янги қорамолчилик фермаси қурилганда қувончимиз чексиз эди. Бироқ бекорга суюнган эканмиз. Бу ишни бажарган «Каршистрой» бошқармасининг 6-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутишган ва тўртта корпусни чала-чулпа қуриб жўнаб қолганлар. Устигаустак «Госкомсельхозтехника» область бирлашмаси механизациялашган кўчма колоннаси механизм ва ускуналарни нотўғри монтаж қилган. Молхоналарни тозалаш ва соғиш агрегатлари тўлиқ ишламайди. Автопоилкалар ҳам қандай қурилган бўлса, шу ҳолича турибди. Озуқа тайёрлаш цехи мана икки йилдирки, бир кун ҳам ишлагани йўқ.

Совхоз раҳбарлари 400 бош қорамолга мўлжалланган фермада чала қолган ишларни битказиш учун елиб-югуриб чарчашди. «Каршистрой» бошқармаси ва «Госкомсельхозтехника» область бирлашмаси раҳбарлари бор отангга, бор онангга қабилида сансалорлик билан иш тутишдан нарига ўтишмаяпти. Механизмларни созлаб бериш ҳақида ваъдалар бериляпти-ю, амалий иш қилинмаяпти. Биз ҳамма ишларни ҳамон қўлда бажаряпмиз.

Чорвачилик фермаларимизда бундай жиддий камчиликларга қарамай, кўплаб жонкуяр чорвадорлар ҳалол, виждонан, фидокорона меҳнат қилишмоқда. Биз шу қишли-қировли кунларда ҳам сут соғиб олишни камайтирмасликни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган, КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган йилда ҳар биримиз сигир бошига камида 3,5 минг килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга аҳд қилганмиз. Ваъдага вафо — мардларнинг иши. Сўзимиз устидан чиқиш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солаверамиз. Ўз навбатида тегишли ташкилот ва раҳбарлардан ишимизни янада самарали бўлишини таъминлайдиган амалий чоралар кутамиз.

Хурсанд ЧОРИЕВА,
Хадича ҚУШНАЕВА,
Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхоз сут соғувчилари.

СОЗ ЎТМОҚДА

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Хива районидаги Фрунзе номли колхозда пахтачилик билан бир қаторда жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бериб келинмоқда. Натижада хўжалик чорвадорлари бу соҳада бир неча йилдан бери барқарор юксак натижаларга эришиб келяптилар. Колхозда чорвачилик маҳсулотларини реализация қилиш ва етиштириш, моллар бош сонини кўпайтиришда қувончли натижалар қўлга киритилмоқда.

Хўжалик чорвадорларининг ўн биринчи беш йиллик якунловчи йили учун белгиланган марралари юқори. Улар ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 3500 килограммга етказишга аҳд қилишган. Бу, ўтган йилги қўлга киритилган кўрсаткичдан 100 тонна кўп, демакдир.

— Зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун имкониятлар борми!

— Бор, — дейди колхоз зоотехниги Газизжон Гайбиев. — Ҳамма гап колхоз сут-товар фермасида меҳнатни ташкил этиш яхши йўлга қўйилиши билан боғлиқдир. Хўжалигимиз чорвадорлари илғор технологияга амал қилиб иш юритадилар. Чорва қишловига кўрилган пухта ҳозирлик ҳам ўз самарасини беряпти. Чорва молларнинг қишли-қировли кунлардан бе-талафот чиқиб олишларини таъминлайдиган даражада озуқа запаси тўпланган. Иссиқ бинолар қурилди.

Чорвадорлар озуқа запаси етарли бўлишидан қатъи назар, унинг ҳар бир килограммидан тежаб-тергаб фойдаланишга интилмоқдалар. Қорамолларнинг қишки рациони ҳар бир группадаги сигирларнинг физиологик ҳолати ҳисобга олинган ҳолда тузилган. Уларнинг рационидаги концентратларнинг анчагина қисми тўйимли аралашмалар билан алмаштирилган. Бу озуқалар колхознинг ўзига қарашли озуқа цехида тайёрланади. Шу туфайли қиш мавсуми бўлишига қарамай, бир кечакундузда соғиб олинаётган сут миқдори камаймаяпти. Сутнинг ёғлилик даражаси кўнгилдагидек.

Сут-товар фермасида сут соғувчилар ўртасида ташкил қилинган ўзаро социалистик мусобақа изсиз қолаётгани йўқ. Бу меҳнат беллашувида илғор ишчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Саломат Жуманиёзова олдинда боряпти. Ёш бузоқбоқарлардан Олия Ражабова ҳам пешқадамлар сафида боряпти. Моддий ва маънавий рағбатлантириш омилларидан усталик билан фойдаланиш, илғорлар тажрибасини кенг қўлланишга зўр бериш, шубҳасиз, 1985 йил мажбуриятларини сўзсиз бажаришда кучли омил бўлади.

Шу кунларда колхоз сут-товар фермасида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловлар кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун қизғин кураш бормоқда. Ҳар бир чорвадор мамлакат Озиқ-овқат программасини муваффақиятли суратда рўёбга чиқаришдан иборат умумхалқ ишига кўпроқ ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпти.

Суратда: колхоз зоотехниги Г. Гайбиев ва бузоқбоқар О. Ражабова бузоқларни кўздан кечирмоқдалар.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

Қишлоқ хўжалик хабарлари

ПЕШҚАДАМЛАР

● Задарё райони пахтакорлари янги йил мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. 27 минг гектар ер сифатли шудгор қилиниб, шўр ювиш учун тайёрлаб қўйилган эди. Ҳозирга қадар 2300 гектар ернинг шўри бир марта ювилди.

Далаларга маҳаллий ўғит чиқариш ҳам қизғин давом эттирилаётир. Кунига 260—270 тонна маҳаллий ўғит дала бошига чиқарилиб, компост қилиб қўйилмоқда. Ҳозирга қадар жамғарилган ўғит 20000 тоннадан ошиб кетди.

Агротехниканинг қишки тадбирларини тез ва соз бажаришда «Наманган», «Гулбоғ» совхозлари, «Гигант» колхози мириштқорлари пешқадамлик қилишмоқда.

Б. МАҲМУДОВ.

МУСТАҲКАМ ЗАМИН

● Андижон районидаги сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Энгельс номли совхозда ўтган йили 1026 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 265 центнердан ҳосил олинди. Шаҳарликлар дастурхонига 19300 тонна сабзавот етказиб берилди. Бу планда қўзда тутилганидан анча кўпдир.

Сабзавоткорлар беш йиллиқнинг якунловчи йилида ҳар гектар ердан 300 центнердан сабзавот олишга аҳд қилишган. Ҳозир мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратилаётир. Ерлар сифатли шудгорланди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш қизғин давом этмоқда. 12 та прицепли трактор, тўртта автомашина ва бошқа техника воситалари юксак унумларда ишлатилаётганлиги туфайли шу кунгача далага 4 минг тоннадан зиёд маҳаллий ўғит чиқарилди.

Айни вақтда хўжаликнинг марказий теплицасида сабзавот кўчатлари тайёрланмоқда. 700 рама тагига сепилган помидор уруғи тўла ундириб олинди.

Р. ИМИНОВ.

Китоблар оламида

ҚУЁШДАН НУР ЭМИБ...

Барча фойдали қазилмалар орасида ҳозирги кунда нефть ва газ энг зарур энергетик хом ашё сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг конлари жаҳондаги деярли барча мамлакатлар территориясида кашф этилган ва неча йиллардан бери ишлатиб келинаётганига қарамай, нефть ва газнинг табиатда пайдо бўлиш жараёнлари, асосий манбалари ҳақидаги энг муҳим масалалар узил-кесил ҳал қилмаган.

Нефть-газ геологияси назариётчиларидан бири, республика Фанлар академиясининг академиги Обид Акромхўжаевнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Қуёшдан нур эмиб...» китобида ана шу проблемаларни ҳал этишга асосий ўрин берилган. Уни кўмир, нефть ва газ геологиясига бағишланган ўзбек тилидаги биринчи йирик илмий-оммабоп асар десак янглишмаймиз. Қазилма бойликларнинг қандай пайдо бўлиши ва ер ости қатламларида қайси қонуниятларга кўра тарқалиши кенг ёритилган ушбу китоб қиркдан ортиқ рангли ва оқ-қора расм билан безатилган. Унда қуёш нурининг ўсимлик қолдиқлари ва чўкинди жинслар таркибига миллион йиллар давомида сингиб йиғилиши, сўнг бора-бора иссиқлик энергиясига айланиши туфайли минерал ва органик моддаларда содир бўладиган ўта мураккаб, чалкаш геологик ва геохимик ўзгаришлар ҳамда уларнинг белги-нишонлари ва оқибат натижаларини муаллиф аниқ, тушунарли талқин қилганки, улар ўқувчида, сўзсиз катта қизиқиш уйғотади.

Асарнинг яна бир муҳим ва диққатга сазовор томони шундаки, унда акс эттирилган табиий-геологик воқелик бошдан охиригача табиат диалектикаси бўлиб, у марксистик философияга бевосита алоқадордир. Бошқача айтганда, китобда қуёш нурининг кўмир, ёнувчи сланец, нефть, газда йиғилиб, қудратли иссиқлик энергиясига айланишидаги барча кимёвий ва механик босқичлар, яъни материянинг йўқолмай, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши илмий асосланиб, ўқувчига лўнда қилиб тушунтирилади.

Муаллифнинг айрим масалалар хусусидаги чуқур илмий-назарий мулоҳазалари кўп тармоқли халқ хўжалигимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Китобда қатор масалалар, чунончи Ўрта Осиё республикалари ҳавзаларида нефть-газ ресурсларининг тахминий ҳажмини назарий аниқлаш, комплекс ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан узвий боғлиқ бўлган мураккаб илмий ҳамда техникавий муаммолар ҳам назардан четда қолмаган. Ўйлаймизки, ушбу асар мутахассислар ва талабчан китобхонларга манзур бўлади.

М. ЭГАМБЕРДИЕВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

ХАЛҚ ҲАВАСКОРЛИК САНЪАТИ

«Наргиз» наволари

«Қизилқумга «Наргиз» келибди» деган хушхабар қўйчивонлар орасида тез тарқалди.

— «Наргиз» дедингми? — сўрайди чўпонлар. — Анув ўзимизнинг артистларми?

— Ҳа-да. Бухоро пиллакашлик фабрикасининг ашула ва рақс ансамбли. Совхоз клубида концерт беришади.

Кечга бориб Ғиждувон районига қарашли «Кўкча» совхози клуби томошабинлар билан лиқ тўлди. Бу ерга қўшни Конимех районининг чўпонлари ҳам келишди. Клуб ҳузуридаги агитпункт лекторлари концерт олдидан лекциялар ўқишди. Сайловларда илк бор овоз берадиган ёш чорвадорларнинг меҳнат ва уруш ветеранлари, тажрибали чўпонлар билан учрашуви бўлди.

Саҳнага «Наргиз» ашула ва рақс ансамбли бадиий ҳаваскорлари чиқади. Залда дилрабо куй ва қўшиқлар янграйди. Нафис рақслар ижро этилади.

Ансамбль ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин унинг репертуаридан дўстлик, қардошлик, муҳаббат, садоқат мавзуларида оригинал куй ва қўшиқлар ўрин олган.

«Наргиз»нинг Қизилқум массивларидаги гастроллари муваффақиятли ўтмоқда.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чет эллларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

БЕРЛИН, 22 январь. **ТАСС мухбири В. Смелов хабар қилади:** Совет Иттифоқи Гитлер фашизми устидан қозонган Ғалабанинг ҳамда немис халқи нацист ваҳшийлардан озод қилинганлигининг 40 йиллигига тайёргарлик кўриш Германия — Совет дўстлиги жамияти бу йилги фаолиятининг асосини белгилайди.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан ГДР-да анъанавий қуролдош қардошлик ҳафталиги ҳамда Германия — Совет дўстлиги ҳафталиги ўтказилади. Дўстлик жамияти шонли воқеага тайёргарлик доирасида кўргазмалар, спесий суҳбатлар ўтказади, булар эса маданий программани янада бойитади. Фашистлар Германиясини тор-мор этиш ва Европа халқини фашизмдан озод қилишда Гитлерга қарши коалициянинг асосий кучи — СССРнинг ҳал қилувчи ҳиссасини кўрсатишга, СССР, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг тинчликсеварлик сиёсатини пропаганда қилишга асосий эътибор берилмоқда.

Советларга қарши ва коммунизмга қарши уйдирмаларни, Ғарбнинг тарихни сохталаштириб кўрсатишга, иккинчи жаҳон уруши натижаларини ва Европада бутун урушдан кейинги тараққиётни шубҳа остига қолдиришга уринишни фош этиш — Германия — Совет дўстлиги жамияти фаолиятининг муҳим жиҳатидир. Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик, юбилей тантаналари ГДР билан совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади. КПСС билан ГБСПнинг қардошларча жанговар иттифоқи асос солган бу дўстлик республика меҳнаткашларининг муқаддас иши бўлиб қолди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

МЕҲНАТКАШЛАР КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

МАДРИД. Испания меҳнаткашлари ҳукуматнинг кемасозлик саноатини қайта ташкил этиш режаларига қарши курашни давом эттирмоқдалар. Чунки бу режалар бир қанча кемасозлик корхоналарини ёпиб қўйишга ва кўплаб меҳнаткашларни ишдан бўшатишга олиб боради. Галисиядаги Сантьяго шаҳрида ҳукуматнинг ишчиларга қарши сиёсатини ўзгартиришни талаб қилиб ўтказилган норозилик намойишида 40 мингдан кўпроқ киши қатнашди. Намойишчиларнинг колонналаридa ишчи комиссиялари касаба союз бирлашмаларининг раҳбарлари, регионал демократик ташкилотларнинг вакиллари бордилар. Намойиш чоғида тарқатилган баёнотда мамлакат кемасозлик корхоналарини меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари ҳисобига қайта қуриш режаси «умумий бозор»нинг талабларига бўйсундирилган бўлиб, мамлакатнинг миллий манфаатларига мутлақо зид эканлиги таъкидланди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ АҲВОЛИ ОҒИР

ЛИССАБОН. Португалиядаги хотин-қизларнинг оғир аҳволи тўғрисидаги масала демократик хотин-қизлар ҳаракати миллий кенгашининг бу ерда ўтказилган мажлиси кун тартибининг асосий моддаси бўлди. Мажлисда сўзга чиққан демократик хотин-қизлар ҳаракатининг раҳбари Изаура Вьейранинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда мамлакатни чулғаб олган оғир социал-иқтисодий инқироз азобини асосан хотин-қизлар ва болалар тортмоқдалар. Португалиядаги барча ишсизларнинг 60 процентдан кўпроғи заифалардан иборат, деб ўқтирди у. Уларни ишдан биринчи навбатда бўшатадилар, корхона хўжайинлари ва маъмурияти улар билан фақат қисқа муддатга меҳнат шартномалари тузадилар.

Миллий кенгашнинг якунловчи резолюциясида тирикчилик қиймати узлуксиз ошиб бораётганлиги биринчи галда аёлларнинг оиладаги мавқеига таъсир қилаётганлиги ҳам уқтириб ўтилди.

АНИҚ ВА РАВШАН ПОЗИЦИЯ

ЛОНДОН. Янги Зеландия ҳукумати ичига ядро қуроли жойланган ва атом мотори ўрнатилган Америка кемаларини мамлакат портларига ва территориал сувларига йўлатмасликка аҳд қилганлигини тасдиқлади. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, Янги Зеландия бош министрининг ўринбосари Ж. Палмер Веллингтонда журналистларга мамлакатнинг бу масаладаги позицияси «мутлақо аниқ ва равшан» эканини айтди. Шу йилнинг март ойида ўтказиш мўлжалланган «Си Игл-85» номли Америка — Австралия — Янги Зеландия машқларида қатнашадиган АҚШ харбий-денгиз кучлари кемасининг Янги Зеландияга келишига ижозат берилишини сўраб Вашингтондан юборилган илтимоснома муносабати билан шу баёнот берилди. (ТАСС).

ПОКИСТОНДА ОППОЗИЦИЯГА ҚАРШИ ЖАБР-ЗУЛМ

ВАШИНГТОН. 22 январь. (ТАСС). Зиёул Ҳақ эълон қилган парламент «сайлови»да қатнашмаслик ҳақида оппозиция қабул қилган қарорга жавобан Покистоннинг ҳарбий режими демократияни тиклаш ҳаракати раҳбарларига яна жабр-зулм қила бошлади.

ЮПИ агентлигининг хабар қилишича, ҳарбий маъмурлар демократияни тиклаш ҳаракати раҳбарларининг янги учрашувлари ўтказилишига йўл қўймасликка интилиб, оппозициячи иттифоқнинг уч раҳбарини «сайлов» тугагунча бўлган муддатга қамоққа ташлади, иттифоқнинг бошқа раҳбарлари кенгаш ўтказилмоқчи бўлган жойга боришларига йўл қўйилмади. Демократияни тиклаш ҳаракатининг кўпгина арбоблари таъқиблардан жон сақлаш учун яширин шароитда ишлашга ўтдилар. Демократияни тиклаш ҳаракатининг озодликда қолган раҳбарлари шафқатсиз жабр-зулмларга қарамай, демократияни тиклаш ҳаракатига кирувчи ўн бир партия ўз ишларини бундан буён ҳам мувофиқлаштириб олиб боришини ва халққа қарши режимга нисбатан ўтказиладиган бир хил сиёсатни ишлаб чиқа беришини билдирдилар.

Оппозициянинг бир ёқадан бош чиқариб қилаётган ҳаракатларидан қути учган Зиёул Ҳақ министрлар кабинетининг шошилинч мажлиси ўтказилишини эълон қилди, бу мажлисда мамлакатда ҳарбий режим учун вужудга келган таҳликали аҳвол муҳокама қилинади.

ТЕЛЬ-АВИВНИНГ РЕЖАЛАРИ БАРБОД БЎЛДИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан бош министри Р. Караме Тель-Авив ўз қўшинларини Ливандан «босқичма-босқич олиб чиқиб кетиши» тўғрисидаги қарори муносабати билан ўз ватанини манфур Исроил босқинчилигидан озод этишга интилаётган Ливан халқи, шубҳасиз, муваффақиятга эришди, деди. Ҳукумат бошлиғи БМТ Бош секретарининг ўринбосари Б. Уркварт орқали Исроил раҳбарларига алоҳида қаттиқ режимдаги Ансор қамоқлагеридаги барча маҳбусларни дарҳол озод қилиш тўғрисидаги талабномани топшириганлигини ҳам маълум қилди.

Ливан Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бу ерда эълон қилинган баёнотида Исроил мажбуран қабул этган қарор Исроил — Америка агрессиясининг режалари барбод бўлганлигидан далолат беради, деб уқтириб ўтилади. Баёнотда Ливан ватанпарварларининг интервентларга қарши олиб бораётган мардонавор кураши юксак баҳоланади.

Жанубий Ливандан олинаётган маълумотларга кўра, босқинчилар Сайда районидаги ва шаҳарнинг ўзидаги ҳарбий истеҳкомларни, базаларни ва омборларни буза бошладилар ҳамда Захрани дарёсидан шимолроқдаги янги чегараларни қуришга киришдилар. Шу районга техника ва қурол-яроғлар келтирила бошланди.

Ливан ватанпарварлари кейинги кунларда мамлакат жанубида босқинчиларга қарши иккита операция ўтказдилар. Қаршилик жангчилари Акабия аҳоли пункти районида Исроилнинг экипажи билан бирга бронетранспортерни яксон қилдилар. Шу куни Тир шаҳри яқинида агрессорнинг соқчиси партизанлар пистирмасига дуч келди.

Босқинчилар Баафулда, Камед ал-Лоз, Харбат-Рухда ва Жанубий Ливандаги бошқа кўпгина аҳоли пунктларида граждан аҳолисини ёппасига таъқиб этиб, кўплаб одамларни қамоққа олдилар.

ҚЎПОЛ АРАЛАШУВ

КОБУЛ. (ТАСС). Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилоятида яшовчи афридий қабилалари жойлашган зонада кескинлик кучаймоқда. Бахтар ахборот агентлигининг хабар қилишича, январь ойида уларнинг саккиз йирик қабила-жамоаси жирга (йиғилиш) ўтказиб, Покистон ҳарбий маъмурларининг бедодлиги кучайиши натижасида ўзлари яшаб турган районларнинг аҳволи мушкуллашганлигини қоралади.

Қабила бошлиқлари ва таниқли дин пешволари Исломобод афғон аксилинқилобчилари тўдаларига ва ўз қўшинларига таяниб эркин пушту қабилаларининг ишларига ғайри-қонуний тарзда аралашувни кескин қучайтирганини қайд этдилар. Покистон территориясида уя қуриб олган босмачи тўдаларнинг газандалари маҳаллий пушту қабиласига нисбатан қилаётган талончилик ва зўравонликларига Покистон маъмурлари хомийлик қилмоқдалар. Улар пуштуларни ишга ёллаш масалаларида камситувчилик сиёсатини ўтказмоқдалар, ёлғон баҳоналар билан уларни қамоққа ташламоқдалар. Айни вақтда Зиёул Ҳақ режими газандалар учун, жумладан Гулбиддин Хикматёр гуруҳи газандалари учун энг қулай шароитларни яратиб бермоқда. Уларга пул, озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жой ва ҳатто иш ҳам маҳаллий аҳоли ҳисобидан берилмоқда.

Жирга қатнашчилари пуштуларнинг одатдаги эркинликларига Исломобод суиқасд қилаётганлигига ва афғон аксилинқилобчиларининг бедодлигига қарши кескин норозилик билдирдилар.

Пуштуларнинг кучайиб бораётган норозилик ҳаракатларига Покистоннинг ҳарбий маъмурлари жабр-зулм ва дўқ-пўписа қилиш билан жавоб бермоқдалар. Масалан, афридийларнинг навбатдаги жирғаси ўтказилган Данде Коке-Хел деган жойга ҳарбий режим йиғилган кишиларни ҳайдаб юбориш учун полиция бўлинмаларини юборди. Аммо қабила жангчилари чақирилмаган меҳмонларга кескин зарба бердилар. Икки соатлик жангдан кейин «тартиб посбонлари» жуфтакни ростлаб қолишга мажбур бўлдилар. Жанг натижасида бир неча киши ўлди ва жароҳатланди. Покистон маъмурлари қабиларнинг ҳаракат бирлигига нифоқ солиш мақсадида норози қабиларнинг йиғилишларига қарама-қарши ўлароқ Баре деган жойда ўз малайлари ёрдами билан «муқобил жирга» ўтказишга уриниб кўрдилар. Аммо қишлоқ аҳолиси қўлига қурол олиб Зиёул Ҳақ ҳарбий маъмуриятининг гумашталарини ҳайдаб юборди.

БОНН КОСМИК ФАЗОНИ ҲАРБИЙЛАШТИРИШГА ҚЎШИЛМОҚДА

БОННН, ГФР ҳукумати Американинг космосни ҳарбийлаштиришни кўзда тутувчи программасида қатнашишга қарор берганлиги бу ерда маълум бўлиб қолди. Америка— Ғарбий Европа қўшма «Колумбус» орбитал илмий станциясини яратиш лойиҳасини амалга оширишга 3 миллиард марка чамаси пул ажратиш мўлжалланади.

Ғарбий Германияда чиқадиган ҳафталик «Блеттер фор дойче унд интернационале политик» журнали: «Бонн космик фазони ҳарбийлаштиришга қўшилмоқда»,— деб ёзди.

Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси (НАСА) билан, шунингдек Америка космик саноати билан алоқалар боғлаш ва ҳамкорлик қилиш учун яқинда АҚШ пойтахтида немис аэронавтика илмий-тадқиқот жамиятининг (ГФР) бюроси очилди.

ГФРнинг ракета-космик фирмалари космосда Американинг ракетага қарши мудофаа системаларини авж олдириш, янги ракета техникасини яратиш билан боғлиқ тадқиқот ишларига зўр қизиқиш билан қарамоқда. Ҳозир бошқа бир қурол-яроғ ўчоғи—«Краус маффей» фирмасига қўшилаётган «Мессершмит — Бельков—Блом» концерни бирмунча фурсат аввал махсус конструкторлик бюроси тузди. (ТАСС).

АҚШДА ҚАТТИҚ СОВУҚ

НЬЮ-ЙОРК, 22 январь. (ТАСС). АҚШ территориясининг шимолдаги Янги Англия штатидан жанубдаги Флорида штатигача бутун шарқий ярмида кучли шамол билан бўлаётган қаттиқ совуқ натижасида 100 дан зиёд киши ҳалок бўлди. Миллий об-ҳаво хизматининг маълумотларига кўра, душанба куни камида 20 та катта шаҳарда рекорд даражада паст температура бўлган, шу шаҳарларнинг баъзиларидаги совуқ кейинги юз йил ичида биринчи марта қайд этилган. Вашингтонда президентни қасамёд қилдириш маросими совуқ сабабидан мамлакат тарихида атиги иккинчи марта ёпиқ бинода ўтказилди.

Аммо жанубий штатлардаги кутилмаган совуқ иқтисодий жиҳатдан кўпроқ жиддий хавф солмоқда. Ҳатто Мексика кўрфази соҳилига ҳам қор тушди. АҚШ оммавий ахборот воситалари Флоридада яна миллион-миллион туп мевали дарахт совуқ уриб кетиш хавфи остида эканлигини хабар қилмоқда.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ОЛАМИДА

УМРИ БОҚИЙ ҚАРДОШЛИК

УКРАИНАДАН МАКТУБ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоннят тарихида янги саҳифа очди. Унинг қутлуғ меваларидан бири — Совет маданиятн бўлди. Қардош адабиётларнинг бир-бирига таъсири умумсовет адабиётининг бугунги камолотини таъминлади.

Украин халқи ўзбек классик адабиёти ва ўзбек совет адабиёти намояндалари ижодига зўр муҳаббат билан қарайди. Улуғ Алишер Навоий ғазаллари халқимиз маънавий хазинасини бойитди, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон каби шоирлар асарлари шеърхонларимиз муҳаббатини қозонди.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда қардош республикалар адабиёти билан украин ўқувчиларини таништириш ибратли йўлга қўйилди. «Днепр» нашриёти мунтазам суратда «Юлдузлар туркуми» тўпламини нашр этиб келмоқда, бу тўплам асосан қардош республикалар шоирлари ва ёзувчилари ижодидан саралланган намуналарни ўз ичига олади.

Бундан бир неча йил муқаддам Полтава шаҳрида ёш адибларнинг Бутуниттифоқ фестивали бўлиб ўтди. Шу муносабат билан нашр этилган «Юлдузлар туркуми»га Совет Иттифоқининг турли бурчакларида ижод этаётган истеъдодли ёшларнинг сара асарлари жамланди. Ушбу нашрдаги деярли барча асарларда халқлар дўстлиги улуғланган.

«Юлдузлар туркуми» орқали Ўзбекистоннинг ёш шоирларидан Собит Мадалиев, Муҳаммад Солиҳ шеърлари, ёш адиб Исфандиёрнинг «Гуноҳ» ҳикояси билан китобхонлар танишишди. Шунингдек, ушбу тўпламда рассом Шуҳрат Абдурашидовнинг «Болалик» суратидан репродукция ҳам берилган.

Тўпламнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган нашридан эса атоқли совет шоираси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Зулфиянинг «Ёғду» шеъри ўрин олган.

Устоз шоира Зулфия, Мақсуд Шайхзода ҳамда Абдулла Орипов ижодига бўлган қизиқиш инобатга олинган ҳолда тўпламнинг кейинги нашрларида улар ижодидан намуналар берилди. Айни кунларда ўзбек совет адабиётининг бошқа намояндалари асарлари ҳам нашрга тайёрланаётир.

Ҳа, «Юлдузлар туркуми» нашри қардош адабиётлар, жумладан, ўзбек совет адабиёти дурдоналарини республикамиз китобхоналари орасида тарғиб этиш борасида ибратли ишлар қилмоқда.

Василь ОРЕЛ.

Николаев шаҳри.

ОНА ЮРТ МАДҲИ

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

РЕПОРТАЖ

...Офтоб олов пуркайди. Унинг тафтидан саҳро тандирдек қизиган. Атрофда на гиёҳ, на қимирлаган жон кўринади. Қўй боқиб юрган икки чўпон қаршисида ногоҳ мўъжизавий манзара намоён бўлади. Рўпарада гўзал шаҳар кўринади. Бу сароб эмасмикин, деб чўпонлар қўлларини соябон қилиб, тикилишади. Ҳатто, чўпонларнинг ити ҳам ҳайратданми, нигоҳини шаҳардан узолмайди.

Навоийлик рассом Николай Медведев «Йўқ, бу сароб эмас» расмида қисқа вақт ичида Қизилқумда амалга оширилган улкан ўзгаришларни шу тахлит ифодалайди. Бу манзара киши қалбини тўлқинлантиради, эзгу хаёлларга чўмдиради.

Зарафшонлик В. Тесалконинг «1-Микрорайон» асари эса муайян маънода «Йўқ, бу сароб эмас» расмини тўлдиради. Энди сиз сароб қўйнидаги шаҳарнинг ўзида тургандек бўласиз. Саҳро қўйнидаги нилуфарга қиёсланган замонавий шаҳарнинг гўзал қиёфаси тиниқ бўёқларда чизилган.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, уларнинг иш фаолиятлари, характерлари ва маънавий олами очиб берилган ёрқин асарларга бойлиги билан ҳам кўргазма диққатга сазовордир. Уларнинг аксариятида шоир номидаги навқирон областда яшаётган ажойиб замондошларимизнинг образи яратишга ҳаракат қилинган. Бу жиҳатдан, айниқса, Е. Мирзақуловнинг «Меҳнат Қаҳрамони», В. Чунихининг «Семзавод», А. Қодировнинг «Нурота карьери», Н. Лемашконинг «Хирург портрети» сингари картиналари ҳамда В. Нифонтовнинг «Ишчи» бюсти алоҳида ажралиб туради.

Юрий Кузнецовни Навоийда билмайдиган одам кам топилади. Илгари ҳам у бир неча бор ўзининг ёғочдан ўйиб ишланган асарларини ҳамшаҳарлари эътиборига ҳавола этганди. Область кўргазмасида ҳайкалтарошнинг янги ишларига кенг ўрин берилган. Унинг «Юртдош», «Философ», «Ақл» каби асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазманинг муайян қисмини халқ амалий санъати намуналари эгаллаган. А. Қодиров, Л. Ҳикматуллаева, А. Мирзабеков, О. Туркменбоева, Н. Самохвалов, Г. Пестряковларнинг асарларида ўзбек, қозоқ, рус усталарининг узоқ йиллик ижодий анъаналари муносиб равишда давом эттирилган.

Умуман, Навоий областида бундай кўргазма биринчи бор намойиш этилаётганига қарамай, у мазмун жиҳатдан теран, жанр ва миқдор жиҳатдан ғоят бой. 73 ижодкорнинг 10 дан ортиқ жанрдаги 300 га яқин асари кўргазмадан ўрин олган. Улардаги муштараклик эса беподён Ватанимиз, халқлар дўстлиги ва бунёдкорлик, инсонга, она заминга чексиз меҳр-муҳаббатдир.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЖАНГДА ВА МЕҲНАТДА

Фарғонада Тожихон, Наманганда Шакархон, Андижонда Фаттихон ва унинг ўғли Исомиддин кўп пахта териб, одамларни лол қолдириб юрган кезлар эди. Айниқса, Исомиддиннинг бир кунда беш юз килограмм пахта тергани овоза бўлиб кетганди. Кўпчилик бунга ишонқирамаганидан кейин Исомиддин Андижондан Қувага ўтиб, холис одамлар орасида пахта териб юрганди. Тошкент, Фарғона, Наманган махсус комиссия келиб, Исомиддин билан бирга юриб терган пахтасини текширган. У ўша куни бир тоннадан ошириб пахта териб комиссияни ҳайратга солганди. Ҳукумат бошлиқлари — шахсан Йўлдош ота Охунбобоев Қувага келиб Исомиддинни табриклади. Москвадан Исомиддин Арабов номига қутлов хати келган қувончли кунларда фашист ғазандалари Ватанимизга бостириб кирди.

Серташвиш кунлар бошланди. Ҳар ҳафтада бир кетмон ўзгартирадиган алпомиш йигитлар бирин-кетин фронтга жўнадилар. Исомиддин ҳам Ватанни душмандан ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олди. У Бокудаги автоматчилар тайёрлаш курсида уч ой ўқиб, Махачқалъанинг озодлиги учун қаттиқ жангларда қатнашди. Кўп қурбонлар эвазига шаҳар озод қилинди.

Тиш-тирноғигача қуроллангон ғазандаларнинг бир тўдаси Моздокка ўрнашиб олиб, тирик жон борки, ҳаммасини тиғдан ўтказарди. Арабов Иванов командирлик қилган ротада душманга қарши курашди. Совет солдатларидан эллик нафари изғирин ойдин кечалардан бирида уч юздан ортиқ немис каллакесарига дуч келди. Орада қаттиқ жанг бўлди. Тенгсиз жангда Арабов автомати билан ўн етти фрицни ер тишлатди. Рота командири автоматчи Исомиддин Арабовга ташаккурнома эълон қилди.

Қўшинларимиз Моздок остонасида бир ҳафта тўхтаб қолдилар. Немис ғазандалари ёмғирдай ўқ ёғдириб, бизникиларни шаҳарга йўлатмадилар. Рота командири И. Арабовни ҳузурига чақириб, «тил» олиб келиш тўғрисида буйруқ берди. У 6 кишилик группа билан тун қоронғилигида душман томон эмаклаб кетди.

Арабов олдинда борарди. Ҳаммаёқ жим-жит. Эҳтиёткорлик билан эмаклаб бораётган разведкачиларимиз гитлерчиларнинг окопларидан бирига дуч келиб қолишди. Бемалол гаплашиб ўтирган немис солдатлари қаршилик кўрсатишга улгуролмай қўл кўтардилар. Етти немис солдати асир олинди. Улар шаҳарга қайси томондан ёриб кириш ҳақида қимматли маълумотлар беришди.

Орадан икки кун ўтгач, қўшинларимиз Моздок шаҳрини фашистлардан озод қилдилар. Исомиддин Арабовнинг кўксида «Қизил Юлдуз» ордени порлади.

Душман совет қўшинларининг сиқувига бардош беролмай, Кавказдан ҳам чекинишга мажбур бўлди. Арабов олдингилар қаторида душманни қувиб борди. У Нальчикда даҳшатли воқеанинг шоҳиди бўлди. Фашистлар 1000 кишининг бўйнига тош осиб, дарёга чўктирганини, бир ёшдан ўн ёшгача бўлган болаларни чўғдек қиздирилган дош қозонга ташлаганини эшитиб, ларзага келди, гитлерчиларга нафрати янада ошди.

Исомиддин Арабов Ростовга етмасдан ўрмонда оғир ярадор бўлди. Қўлтиқтаёққа таяниб, киндик қони тўкилган жойга — Андижон область Избоскан районидаги Чувама қишлоғига қайтиб келди. Яраси бир оз тузалгач, фронт орқасининг шонли стахановчилари сафига турди. Урушдан аввалги ҳоратини эслаб, қўлтиқтаёқда пахта теришга тушди. 1943 йил терим мавсумида Исомиддин Арабовнинг номи яна тилларда достон бўлди. Ўша йили у терган пахта 28 тоннага етди. Партия ва ҳукуматимиз уни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Кейинги йили эса Арабов бундан ҳам кўпроқ — 35 тонна пахта терди. Уни Ленин ордени билан тақдирлашди.

Колхоз правлениеси 1945 йили уни звено бошлиғи қилиб тайинлади. 8 гектар ер ажратиб берди. У янги ишга ҳам алоҳида ғайрат-шижоат билан киришди. Избосканлик пахтакорнинг довруғи бутун мамлакатга ёйилди. Кўп ўтмай СССР Олий Совети Президиуми Фармони билан Исомиддин Арабовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Машина пахтакорларнинг жонига оро кирди. Буни яхши англаган машҳур теримчи бир оёғи ногирон бўлишига қарамай механизаторлар тайёрлаш курсини битириб, машинада пахта теришни ўрганди.

Собиқ жангчи Пахтаобод районидаги «Маданият» массивида қўриқ очиш бошланганн, янги совхоз тузилганини эшитиб, хурсанд бўлди. Маданият даштига кўчиб борди. 70 гектар ер олиб, дала ишларини бошлаб юборди.

Дашт узра баҳор кокил ёйди. Арабов бригадаси чигитни барвақт экиб олди. Ёз яхши келди. Куз ҳам сахий бўлди. Бригада тошлоқ ернинг ҳар гектаридан эллик центнердан «оқ олтин» йиғиштирди. Арабовнинг ўзи машинада 200 тонна пахта терди. Унинг сурати яна газеталарда босилиб чиқди...

Улуғ Ватан уруши инвалиди, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исомиддин Арабов ҳозир 70 ёшда. У ҳануз пахта майдонида. Унинг пахта ишқи билан ёнганига роппа-роса 50 йил бўлди. Қирқ йил қўлда 25—30 тоннадан пахта терди. У терган жами пахта 1000 тоннадан ошиб кетди.

Бир неча йилдирки, Исомиддин Арабов Пахтаобод районидаги «Маданият» совхозида бригада бошлиғи, у раҳбарлик қилаётган бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта йиғиштирди.

Уруш ветеранининг фарзандлари ҳам давримизга муносиб кишилар бўлиб етишди. Катта ўғли Миркомил совхозда инженер. Кичик ўғли Миролим отаси бошқараётган бригадада сувчи. Қизи Мунаввар оддий колхозчи. Вафодор хотини Турсуной опанинг меҳрибонлиги отага куч-қувват бахш этмоқда.

Собиқ автоматчи Исомиддин Арабов шу мунаввар кунлар учун жанг қилинганини яхши билади. У шу билан бахтиёр.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«РАДУГА» НАШРИЁТИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ ҚЎЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ:

М. АВЕЗОВ. **Абай.** Роман 568 бет, баҳоси 4 сўм 70 тийин (араб тилида).

Роман XIX асрда яшаб, ижод этган улуғ қозоқ ёзувчиси Абай Қунонбоев ҳаёти ва ижодига бағишланган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. **Бахт қуши** (Ўзбек ёзувчиларининг ҳикоялари) 304 бет, баҳоси 2 сўм 33 тийин (ҳинд тилида).

Тўпламда Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин, Назир Сафаров, Шуҳрат, Ҳамид Ғулом, Раҳмат Файзий, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Сарвар Азимов ва бошқа ўзбек совет прозаикларининг ҳикоялари бор.

А. ТОЛСТОЙ. **Аэлита.** Роман. 208 бет, баҳоси 1 сўм 76 тийин (урду тилида).

Таниқли совет ёзувчисининг 20-йилларда ёзган бу фантастик романи ҳозир ҳам қизиқиш билан ўқилмоқда.

Г. СВИРИДОВ. **Мардонавор рейд.** Роман. 440 бет, баҳоси 3 сўм 95 тийин (форс тилида).

1918 йилда В. И. Ленин кўрсатмаси билан Туркистонга махсус ҳарбий экспедиция жўнатилади. Асарда интернационал отрядга бирлашган жангчилар Ленин топшириғини бажариш йўлида қандай жонбозлик кўрсатганликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ангрен керамика комбинати маҳсулотлари харидорлар орасида тобора шуҳрат топмоқда. Комбинатда бу йил уч миллион сўмликдан кўп маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Ангренликлар савдога тўққиз хил янги буюм, шу жумладан бежирим чойнаклар, гулдонлар етказиб беришади. Суратда: безакчи-рассом Л. Обухова билан қуймачи Г. Коншина тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.

В. Казанцев фотоси (ЎзТАГ).

Журналларнинг янги сонларида

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

журналининг январь ойи сони «Долзарб вазифалар» сарлавҳали бош мақола билан очилади. «Ленин ва матбуот» рубрикаси остида ТошДУ журналистика факультетининг доценти В. Абдуллаевнинг «Революция жарчиси» сарлавҳали мақоласи жой олган.

Журналнинг «Практика» бўлимида «Ферганская правда» область газетаси қишлоқ хўжалиқ бўлимининг мудири Ю. Гентшкенинг «Газетада янги рубрика», Фарғона область партия комитетининг секретари Т. Эгамбердиеванинг шу мақола юзасидан изоҳи эълон қилинган. Яна бу бўлимда «Бухоро ҳақиқати» область газетасининг редактори А. Ниёзмуродовнинг «Ғоявий ҳужумни кучайтириб», В. Штаповнинг «Назоратчилар ишидан барча хабардор» сарлавҳали мақолалари берилган.

«Шимиз сифати», «Нашриёт, Полиграфия», «Интернационал алоқалар», «Ҳамкасбларимиз» рубрикалари остида бир қатор қизиқарли мақолалар, консультациялар берилган. Шунингдек, «Изланиш» клуби», «Актив — бизнинг таянчимиз», «Кўмакдошларимиз» рубрикалари остида ҳам бир қатор материаллар эълон қилинган. Журналда рассом ишларидан намуналар, янги йил ҳазиллари ҳам босилган.

ОБ-ҲАВО

Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областида, Бухоро ва Навоий областларининг шимолида шу кеча-кундузда ҳаво булутланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди, айрим ерларга туман тушади. Шимоли-шарқдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10—15, айрим ерларда 17—22 даража, кундузи 2—7, айрим жойларда совуқ 13 даражага етади. Жанубда кечаси 3 даража совуқ билан 2 даражагача иссиқ, кундузи 1—6 даража иссиқ бўлиши кутилади. Республиканинг қолган территорияларида кечаси 2—7, айрим ерларда 10—13 даражагача совуқ, кундузи 4 даража совуқ билан 1 даража иссиқ атрофида бўлади.

Тошкентда ҳаво булутланиб туради, қор ёғади. Кечаси 2—4 даража совуқ, кундузи ҳарорат 0 даража атрофида бўлади.

● Илм-фан—қишлоқ хўжалигига

ОЛИМЛАР ТАКЛИФИ АСОСИДА

Узбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари бузоққа бериш учун янги ем рецептини таклиф қилдилар. У тўқ тутиши жиҳатидан қаймоғи олинмаган сут ўрнида берилиб келган модда билан баравардир. Уни тайёрлаш учун соя чиқитлари дастлабки хом ашё бўлиб хизмат қилди. Ундан ун ҳосил қилинади ва иссиқ сувда атала қилинади. Аталага қанд, туз, витаминлар қўшилади. Рецепт ҳар хил микроэлементлар қўшишни ҳам талаб қилади.

Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг фермаларида ўтказилган эксперименталр янги ем-озуқа сифати жиҳатидан қаймоғи олинмаган сутдан ҳеч бир фарқ қилмаслигини ва чорва уни еб тез эт қўйишини кўрсатди. Соя сутини тайёрлаш одатдаги сутдан арзонга тушади.

(ЎзТАГ).

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

спорт

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ленинградда СССР биринчи терма командасининг ёш футболчилари «Неделя» газетаси совринлари учун ФИФАнинг биринчи вице-президенти Валентин Гранаткин хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда ғолиб чиқдилар. Улар ГФР командаси билан бўлган якунловчи учрашувда 1:0 (0:0) ҳисобида муваффақиятга эришдилар. Учрашувда ягона тўпни Федор Гаглоев дарвозага йўллади.

Бельгия спортчилари билан 1:1 (1:1) ҳисобида дуранг ўйнаган Франция футболчилари иккинчи ўринни қўлга киритдилар. Сўнгги кунда Польша футболчилари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган СССР-2 командаси фахрий шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Дарвозабон Антон Броварник (СССР—2), ҳимоячи Франк Сильвестер (Франция), ярим ҳимоячи Маурицио Гаудино (ГФР), ҳужумчи Александр Гушчин (СССР — 1) турнирнинг энг яхши ўйинчилари деб аталди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 ЯНВАРЬ, ЖУМА

Москва I. 9.00 — Время. 9.35 — Фруза. Бадиий фильм. 11.00 — Мультфильмлар. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.10 — РСФСР халқ артисти Ю. Казаков чалади. 12.30—ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Киноочерк. 15.40 — Рус тили. 16.15 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 17.40 — Тележурнал. 18.15 — Чанги бўйича жаҳон чемпионати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.40 — Сайловлар олдидан. 19.55 — Максимнинг ёшлиги. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — ГДРдан музикали кўрсатув.

Москва II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — М. Ю. Лермонтов — рассом. 15.25 — Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. 16.10—ва 18.30 — Янгиликлар. 19.55 — Алоҳида ғамхўрликка сазовор. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Ритмик гимнастика. 21.15 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Оилавий альбом. Бадиий фильм. 23.15 — Телефильм.

Тошкент I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Болалар учун фильм. 11.30 Ўқув программаси. 12.00 —Ўйлаб топ. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00—ва 18.00— Янгиликлар. 19.15 — Ота-оналар университети. 18.45 — Дунё воқеалари. 19.15 — Экиш агрегатлари шай бўлсин. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ер ва эл. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Санд Аҳмаднинг ижодий кечаси.

Тошкент II. 18.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.50 — Телефильм. 19.10 — Китоб дўстлари. 19.40 — Телефильм. 19.50 — Тошкент янгиликлари. 20.10 — Нина. Бадиий фильм. 21.30 МТ II.

РАДИО

25 ЯНВАРЬ, ЖУМА

Биринчи программа. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — Халқ куйлари. 11.15 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллиғига. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 19.25 — Ешлик. 21.00 — Концерт. 22.30 — Радиопостановка.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

А. АБДУРАҲМОНОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ

ТЕХНИКУМГА 1985 ЙИЛДА КИРИБ КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРДА ЎҚИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАРНИ ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКУМ ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: тикувчилик ишлаб чиқариши технологияси, енгил саноатни планлаштириш, чарм буюмлар технологияси, чарм технологияси, тикувчилик корхоналари ускуналари, пойабзал, чарм ва мўйна корхоналари ускуналари, трикотаж ишлаб чиқариши технологияси, кийимларни конструкциялаш ва моделлаш, пойабзални моделлаш ва чармни бадиий безаш.

МАШҒУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН ВА КУНДУЗГИ ЎРТА МАКТАБДА ЎҚИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА МАТЕМАТИКА, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, РАСМ (кийимларни конструкциялаш ва моделлаш, пойабзални моделлаш ва чармни бадиий безаш ихтисослари бўйича кирувчилар учун) **ФАНЛАРИДАН ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

Курсларга кундузги ўрта мактабларнинг 8—10 синф ўқувчилари ҳамда 8—9—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР 20 ФЕВРАЛДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати уч ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 26-уй, 5-хона (соат 16 дан 21.00 гача учрашиш мумкин). Телефонлар 33-40-89, 33-36-21.

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
ОЛТИ ОЙЛИК КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҲАМДА 8—10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш учун 25 сўм ҳақ тўланади.

Математика, тил ва адабиёт бўйича машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ТЕХНИКУМ ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: телевизион техника ва радиореле алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, автоматик электр алоқа, кўп каналли электр алоқа, телеграф алоқаси ва ахборотларни узатиш, почта алоқаси, бухгалтерия ҳисоби (сиртқи бўлимда).

ОЛТИ ОЙЛИК КУРСЛАРГА КИРУВЧИЛАРДАН АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 25 ФЕВРАЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (10, 23, 27 трамвайларнинг «Алоқа техникуми», 10 троллейбус, 44, 46, 97-автобусларнинг «Лабзак» бекатлари). Телефон 41-35-04.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент экскаватор заводи базасидаги
86-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85 ўқув йили учун ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Программали бошқарув станокларида ишлаш учун токарлар, учиш аппаратлари йиғувчи-слесарлари, механик-йиғув ишлари слесарь-механиги, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, дипломли газ-электр пайвандловчи, ОТК контролерлари, электр кўприк крани машинисти, автослесарь. 15 ёшдан ошган шахслар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил; металлар бўйича токарь-универсал, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича ремонтчи-слесарь, механика-йиғув ишлари слесарь-механиги, электр кўприк кранлари машинисти, ОТК контролери (қизлар). 16—17 ёшдаги шахслар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 йил.

Бир йил муддатли таълим группаларига қабул қилинган ўқувчилар 65 сўм миқдорида стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, кўчалик ва иш кийими билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртида иккита техника ижодкорлиги тўгараги, радиоҳаваскорлар, фото тўгараклари, 8 та бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, вокал-чолғу ансамбли ишлаб турибди. 10 та спорт секцияси фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчилар ёзги каникулларда «Чимён» лагерига ва бошқа туристик саёҳатларга чиқадилар.

Билим юрти битирувчилари институтлар ва техникумларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Т. Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати; 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекати). Телефон 35-61-30.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/I да **Травната**, 25/I да **Рустам ҳаҳида достон.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да **Йўлчи юлдуз**, 25/I да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/I да **Тоҳир ва Зуҳра** (14.00). **Узилган торлар** (19.30), 25/I да **Гулсара.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Астрономия институти коллективи институтнинг собиқ директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби

Владимир Петрович ШЧЕГЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети коллективи инспектор Г. Ориповга онаси

ЮСУПХЎЖАЕВА

Молияхон Ботирхон қизининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси ва телефонлар: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

А. 20. Р. 11039. ИНДЕКС 64583.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12